# РЕСПУБЛИКА 2. 700. 000 ТОННА ПАХТА ТАЙЁРЛАДИ.

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 226 (717)

17 НОЯБРЬ ШАНБА 1956 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН

Мамлакатга 3 миллион тонна пахта етказиб бериш юзасидан олинган социалистик мажбуриятни бажариш учун республикамиз яна **300 МИНГ** тонна пахта тайёрлаши керак.

Бу жанговар топшириқни бажаришга муносиб ҳисса қўшиш областимиз пахтакорларининг ватанпарварлик бурчидир. Бир грамм ҳам пахтани нобуд қилмайлик, бутун кучни барча ҳосилни тезроқ йиғиб-териб олишга сафарбар қилайлик!

## 1956 йил давлат планларини тўла ва ошириб бажарайлик

Совет кишилари Коммунистик партия раҳбарлигида КПСС XX съезди қарорларини муваффақият билан амалга ошириб, мамлакатимиз экономикаси ва маданиятини юксак даражага кўтармоқдалар. Саноат ва қишлоқ хўжалиги соҳасида эришилган бу йилги тарихий ғалабалар, айниқса кенг миқёсда ўзлаштирилган қўриқ ерлардан мисли кўрилмаган даражада мўл ҳосил олиниши, яъни ғалла етказиш масаласининг тўғри ҳал қилинаётганлиги халқимизни янги меҳнат ғалабаларига илҳомлантириб юборди. Бепоён Ватанимизнинг ҳамма томонларида 1956 йил давлат планини муддатидан илгари бажариш, меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулотнинг сифатини яхшилаш ва таннархини камайтириш, техникани тобора такомиллаштириш учун бошланган социалистик мусобақа кенг қулоч отиб ривожланмоқда.

Мамлакатимизда коммунизм қуриш йўлидаги курашда ажойиб ютуқларга эришилаётган 1956 йилнинг январь—октябрь ойлари мобайнида саноатда ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш плани 102 процент бажарилди. Социалистик экономикамиз асосларининг асоси ва бутун халқ хўжалигини муваффақиятли суратда ривожлантиришнинг мустаҳкам таянчи — оғир индустриянинг ҳамма тармоқлари юксалиб бормоқда. Шу йилнинг дастлабки ўн ойи мобайнида ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқарадиган саноат тармоқларининг маҳсулоти ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 11 процентдан зиёд ошди. Меҳнат куроллари ишлаб чиқариш соҳасида айниқса катта муваффақиятга эришилди. Бу йил машинасозлик ва металл ишлаш саноати маҳсулоти 12 процент кўпаяди. Совет Иттифоқида шу йил 49 миллион тонна пўлат, салкам 430 миллион тонна кўмир, 84 миллион тонна нефть, 192 миллиард киловатт-соат электр қуввати ишлаб чиқарилади.

Областимиз меҳнаткашлари барча совет кишилари билан бир қаторда олтинчи беш йилликнинг биринчи йили — 1956 йили давлат планларини тўла ва ошириб бажариш йўлида зўр ғайрат, юксак ижодий ташаббус кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар ва жонажон давлатимизнинг умумий юксалишига муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Областимиз шаҳар ва қишлоқларида — саноат корхоналари ва кўмир хавзаларида, темир йўл транспорти ва қурилиш объектларида, колхоз ва совхоз далаларида олтинчи беш йилликнинг биринчи йили — 1956 йил давлат планини муддатидан илгари бажариш учун бошланган ва кенг ривожланиб кетган умумхалқ мусобақаси халқ хўжалигининг барча соҳаларида самарали натижалар бермоқда.

Тошкент карборунд, «Подъёмник» ва чинни заводлари, Чирчиқ пойафзал фабрикаси, электрохимия комбинати, «Чирчиксельмаш» заводи каби кўпгина корхоналарнинг коллективлари Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 39 йиллик байрамини меҳнат соҳасида муносиб совғалар билан кутиб олиб, 10 ойлик ишлаб чиқариш планларини муддатидан илгари бажардилар ва давлатга пландан ташқари қўшимча маҳсулот бердилар. Йил бошидан социалистик мусобақа асосида бир меёрда ишлаб келаётган карборунд заводининг коллективи ўн ойлик планини муддатидан илгари бажарди ва пландан ташқари бир миллион сўмлик маҳсулот берди, шу муддат ичида тўрт миллион киловатт-соатга яқин электр қуввати тежади ва маҳсулотнинг таннархини 11 процент камайтирди.

«Ўзбекуголь» трестининг 9-шахта кончилари 11 ойлик ишлаб чиқариш планини муддатидан илгари ортиғи билан бажардилар. Айниқса Ўртоқ Мухтор Акимов бошлиқ бригада аъзолари катта муваффақиятга эришдилар. Бу бригада шу муддат ичида истемолчиларга пландан ташқари 6393 тонна кўмир жўнатди.

Лекин шунга қарамай, Тошкентда ҳам, шунингдек областимизнинг бошқа саноат районларида ҳам давлат планларини бажармай орқада колиб келаётган корхоналар анчагина бор. Тошкент экскаватор заводи, «Ташсельмаш», Бинокорлик саноати материаллари министрлигининг ремонт-механика заводи, Йўллар министрлигига қарашли машинасозлик заводи шулар жумласидандир. Бундай корхоналарда ишлаб чиқариш техникасини такомиллаштириш, оғир меҳнат талаб қиладиган иш процессларини механизациялаш, иш шароитини яхшилаш каби ташкилий-техника тадбирларини амалга оширишга етарли эътибор берилмаётир. Шунинг натижасида ишлаб чиқаришдаги мавжуд резерв ва имкониятлардан тўла фойдаланилмайди.

Олтинчи беш йилликнинг биринчи йили — 1956 йил охирига етиб келмоқда. Областимиз меҳнаткашлари олдида турган муҳим вазифа—ишда рўй берган камчиликларни тезда тугатиш, ишлаб чиқаришдаги барча восита ва имкониятлардан тўла фойдаланиб, халқ хўжалигининг барча соҳасида 1956 йил давлат планларини тўла ва ошириб бажаришдан иборатдир.

Ишчилар оммасининг ижодий ташаббусини янада юксалтириш, ишлаб чиқаришни бошқаришда смена, бригада бошлиқлари ва мастерларнинг ролини, шунингдек ишчиларнинг активлигини ошириш, социалистик мусобақани кенг ривожлантириш социалистик саноатни узлуксиз юксалтиришнинг муҳим шартларидандир. Шунинг учун ҳам ишчилар йиғилиши, ишлаб чиқариш кенгашлари, хўжалик активини ўтказиш йўли билан кенг ишчилар оммасини ишлаб чиқаришни бошқаришга кўпроқ жалб этиш лозим.

Партия ва касаба союз ташкилотлари меҳнаткашларнинг моддий ва маданий эҳтиёжларини таъминлашга, уларнинг истак ва орзуларини рўёбга чиқаришга, ижодий ташаббусларини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор беришлари лозим.

Областимиз саноати ва қишлоқ хўжалиги янги техника базасида тобора юксалиб бормоқда. Техника прогресси учун кураш, илғор иш методларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш, янги, илғор техникадан унумли фойдаланиш учун ишчиларнинг малакасини оширишга эришиш —партия ташкилотларининг муҳим вазифасидир. Бу вазифани амалга оширмай туриб ишлаб чиқаришда умумий юксалишга эришиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам жойлардаги партия ва совет ташкилотлари давлат топшириқлари ва планларини ўз вақтида бажариш тадбирларини кўришлари, корхоналарга раҳбарлик методларини такомиллаштиришлари лозим.

Областимиз меҳнаткашлари Коммунистик партия раҳбарлигида КПСС XX съезди тарихий қарорларини амалга ошириб, олтинчи беш йилликнинг биринчи йили — 1956 йил давлат планларини тўла ва ошириб бажариш учун бутун куч ва билимларини сарфлайдилар.

## *Ўзбекистон 2 миллион 700 минг тонна пахта берди*

**Ўзбекистон колхозлари ва совхозлари давлатга 2 миллион 700 минг тонна пахта топширдилар. Бу, ўтган йил шу вақтдагига қараганда ярим миллион тонна кўпдир. Тайёрлаш пунктлари пахтанинг қарийб 75 процентини биринчи сортга қабул қилиб олдилар.**

**Республиканинг ўн уч райони ва 200 дан ортиқ колхози пахта топшириш юзасидан ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини бажардилар. Мирзачўлдаги хўжаликлар пахта териш ва топширишни муваффақият билан олиб бормоқдалар. Улар ҳозиргача давлатга 1955 йилнинг шу давридагига қараганда 37 минг тонна ортиқ пахта топширдилар. (ЎзТАГ).**

## Социалистик мажбуриятини бажардилар

Сирдарё районидаги Сталин номли колхоз аъзолари бу йил пахта майдонининг ҳар гектаридан 31,5 центнердан ҳосил олиб, социалистик мажбуриятларини бажардилар. Улар ҳар гектар ердан яна 1,5 центнердан ҳосил топшириш учун курашмоқдалар.

Шунингдек, Гулистон районидаги «Красний Восток», Боёвут районидаги Жданов номли, Янгийўл районидаги Ленин номли, Октябрь районидаги Сталин номли, Ўртасарой районидаги Жданов номли, Пискент районидаги Ленин номли ва Сталин номли колхозларнинг азамат пахтакорлари ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини тўла адо этдилар. Бу колхозларнинг аъзолари қўшимча пахта топширишни давом эттирмоқдалар.

## КПСС Марказий Комитети ва Совет Иттифоқи Ҳукумати Делегацияси билан Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитети ва Польша Халқ Республикаси Ҳукумати Делегацияси ўртасида музокаралар

15 ноябрь соат 15-30 минутда Кремлда КПСС Марказий Комитети ва Совет Иттифоқи Ҳукумати Делегацияси билан Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитети ва Польша Халқ Республикаси Ҳукумати Делегацияси ўртасида музокаралар бошланди. Музокараларда совет томонидан КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари Н. С. Хрушчев (делегация бошлиғи), КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзолари: СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. Е. Ворошилов, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Булганин, СССР Министрлар Совети Раисининг Биринчи Ўринбосарлари А. И. Микоян ва М. З. Сабуров қатнашдилар. Польша томонидан Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари Владислав Гомулка (делегация бошлиғи), Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари: Польша Халқ Республикаси Давлат Кенгашининг Раиси Александр Завадский, Польша Халқ Республикаси Министрлар Советининг Раиси Юзеф Циранкевич ва Польша Халқ Республикаси Иқтисодий планлаштириш Давлат комиссиясининг Раиси Стефан Ендриховский иштирок этдилар.

Музокаралар вақтида совет томонидан КПСС Марказий Комитетининг аъзолари — СССР Ташқи ишлар министрининг ўринбосари Н. С. Патоличев ва СССР нинг Польша Халқ Республикасидаги Элчиси П. К. Пономаренко, шунингдек СССР Ташқи ишлар министрлиги Матбуот бўлими мудирининг ўринбосари М. А. Харламов ҳозир бўлдилар. Музокаралар вақтида Польша томонидан Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитетининг аъзоси Евгений Шир ва Мария Верна ҳозир бўлдилар.

Музокаралар вақтида Совет-Польша муносабатларига доир масалалар юзасидан, шунингдек ҳар иккала мамлакатни қизиқтираётган бошқа масалалар юзасидан фикр олишилди. Музокаралар ошкорлик ва дўстлик руҳида бўлди ҳамда самимият ва ҳамжиҳатлик вазиятида ўтди.

Музокаралар делегацияларнинг келгуси учрашувлари вақтида давом эттирилади.

## *Н. С. Хрушчев, К. Е. Ворошилов, Н.А. Булганин Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитети ва Польша Халқ Республикаси ҳукуматининг делегациясини қабул қилдилар*

Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари Владислав Гомулка (делегация бошлиғи), Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари—Польша Халқ Республикаси Давлат Кенгашининг Раиси Александр Завадский, Польша Халқ Республикаси Министрлар Советининг Раиси Юзеф Циранкевич, Польша Халқ Республикаси Иқтисодий планлаштириш Давлат Комиссиясининг Раиси Стефан Ендриховский 15 ноябрда КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари Н. С. Хрушчев, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. Е. Ворошилов ва СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Булганин ҳузурида бўлдилар.

Қабул вақтида СССР Ташқи ишлар министрининг ўринбосари Н. С. Патоличев ва СССР нинг Польша Халқ Республикасидаги Элчиси П. К. Пономаренко ҳозир бўлдилар.

## Халқ вакиллари Умумхитой Мажлисининг делегацияси Москвага келди

СССР Олий Советининг таклифига биноан, Халқ вакиллари Умумхитой Мажлисининг Халқ вакиллари Умумхитой Мажлиси Доимий Комитети раисининг ўринбосари, Пекин шаҳрининг мэри Пин Чжэнем бошчилигидаги делегацияси 15 ноябрда Москвага келди.

Улуғ қардош халқ вакилларини кутиб олиш учун Москва меҳнаткашларининг кўп вакиллари Внуково аэродромига келдилар. Аэропорт биноси Хитой Халқ Республикаси ва Совет Иттифоқининг давлат байроқлари билан безатилган эди.

Соат 16 дан 45 минут ўтганда прожекторларнинг зангори нурлари билан ёритилган кумушсимон «ТУ-104» самолёти кутиб олувчилар тўпланиб турган майдонга келиб қўнди.

Кутиб олувчилар орасида Л. И. Брежнев, Е. А. Фурцева, СССР Олий Совети Иттифоқ Советининг Раиси П. П. Лобанов, СССР Олий Совети Миллатлар Советининг Раиси В. Т. Лацис ва бошқалар бор эди.

СССР Олий Совети Иттифоқ Советининг Раиси П. П. Лобанов келганларга қарата табрик нутқи сўзлади.

* * *

Айни бир вақтда, Москва Совети Ижроия комитетининг таклифига мувофиқ Пекин шаҳри Халқ комитетининг делегацияси ҳам Москвага келди. (ТАСС).

## МОСКВА СОВЕТИНИНГ 1956 ЙИЛ 6 НОЯБРДАГИ ТАНТАНАЛИ МАЖЛИСИДА УРТОҚ М. А. СУСЛОВ ДОКЛАДИНИНГ ТЕКСТИ БРОШЮРА ҚИЛИБ ЧИҚАРИЛДИ

Давлат сиёсий адабиёт нашриёти Москва Советининг 1956 йил 6 ноябрдаги тантанали мажлисида «Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 39 йиллиги» тўғрисида Ўртоқ М. А. Суслов қилган докладнинг текстини брошюра қилиб нашр этди.

Брошюра кўп нусхада нашр этилди. (ТАСС).

## Ҳурмат тахтаси

Пахта тайёрлаш юзасидан олган социалистик мажбуриятларини бажарганликлари учун қуйидагилар область **Ҳурмат тахтасига** ёзиладилар:

| №№ | Звено, бригада ва совхозларнинг бўлимлари | Звено, бригада ва бўлим бошлиқларининг исми, фамилияси | Социалистик мажбуриятнинг бажарилиши (гектаридан центнер ҳисобида) | Қўшимча олган мажбурияти |
|---|---|---|---|---|
| | **ЎРТА ЧИРЧИҚ РАЙОНИ** | | | |
| 1. | Куйбишев номли колхознинг звеноси | **Маниёзов** Мадали | 46,0 | 5 |
| 2. | Куйбишев номли колхознинг звеноси | **Уринбоев** Тўлаш | 42,0 | 5 |
| 3. | Куйбишев номли колхознинг звеноси | **Ризақулов** Турсунали | 32,0 | 9 |
| 4. | Куйбишев номли колхознинг звеноси | **Эргашев** Зоир | 31,0 | 3 |
| 5. | Куйбишев номли колхознинг звеноси | **Бозоров** Хайриддин | 32,1 | 3 |
| 6. | Куйбишев номли колхознинг звеноси | **Маталиев** Ўринбой | 30,0 | 4 |
| | **ЎРТАСАРОЙ РАЙОНИ** | | | |
| 1. | Ленин номли колхознинг бригадаси | **Шин Хек-ман** | 26,0 | 2 |
| 2. | Ленин номли колхознинг бригадаси | **Пак** Николай | 25,0 | 2,5 |
| 3. | Молотов номли колхознинг бригадаси | **Хван** Борис | 25,9 | 1 |
| | **ЧИНОЗ РАЙОНИ** | | | |
| 1. | Ленин номли колхознинг бригадаси | **Эсонов** Ҳайдар | 34,4 | 8 |
| 2. | Ленин номли колхознинг бригадаси | **Мирзаумаров** Ҳасан | 34,3 | 8 |
| 3. | Сталин номли колхознинг звеноси | **Сатторов** Самад | 35 | 15 |
| 4. | Сталин номли колхознинг звеноси | **Отажонов** Абдураззоқ | 33 | 10 |
| | **БЕКОБОД РАЙОНИ** | | | |
| 1. | Ленин номли колхознинг бригадаси | **Қўлшодов** Холмат | 25 | 5 |
| 2. | Ленин номли колхознинг бригадаси | **Эрматов** Мўйдин | 25,5 | 5 |
| 3. | Дзержинский номли колхознинг бригадаси | **Мамараҳимов** Мелибой | 25 | 10 |
| 4. | Дзержинский номли колхознинг бригадаси | **Кенжаев** Аҳмад | 25 | 10 |
| 5. | «Красний хлопкороб» колхозининг бригадаси | **Деҳқонов** Жумабой | 25 | 8 |

# Бутун куч—Мирзачўлни ўзлаштиришга!

* * *

## Ҳисса қўшаман

Шу кунларда республикамиз комсомол ва ёшлари партия чақиригига жавобан Мирзачўлнинг бепоён чўлларини ўзлаштиришга отландилар. Улар Қозоғистон ва Сибирь ёшларининг ватанпарварлик ҳаракатларидан руҳланиб, саҳрони гулистонга айлантириш, пахтачиликнинг янги базасини вужудга келтириш учун Мирзачўлга жўнаб кетмоқдалар.

Мен «Таштекстильмаш» заводининг биринчи цехида токарь бўлиб ишлайман. Мен ўз касбимни яхши севаман. Ишлаб чиқариш топшириқларини доимо ортиғи билан бажариб келаётирман. Лекин шунга қарамай, партия ва ҳукуматимизнинг Мирзачўлни ўзлаштириш ҳақидаги қарори, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Олий Совети Президиумининг республикамизнинг барча меҳнаткашларига, комсомол ва ёшларга қарата чиқарган Мурожаати мени ҳам руҳлантириб юборди. Мен ҳам заводимизнинг Н. Зарипов, Н. Белокрильцова каби ёшлари билан бирга Мирзачўлга бориб ишлашга, янги ерларни ўзлаштиришда ҳар қандай қийинчиликларни енгишга аҳд қилдим. Шунинг учун ҳам мен Мирзачўл саҳроларини ўзлаштириш учун у ерга комсомол путёвкаси билан ёшларнинг биринчи сафларида бораман. Бошқа комсомол ва ёшларни ёш ватанпарварлардан ўрнак олишга чақираман.

**Николай ГОРБУНОВ,**
«Таштекстильмаш» заводининг токари.

* * *

Мирзачўлни ўзлаштиришга келаётганлар учун уй-жой биноларн қурилиши кун сайин қизғин тус олмоқда. **Суратда:** Киров номли каналда сув тақсимловчи узел қурувчилари учун тикланаётган уй-жой биноларн қурилишида. Старший мастер **А. Кокорин** цоколнинг тўғрилигини текшириб кўрмоқда.

**В. Салов** фотоси.

## Комсомол ва ёшлар Мирзачўлга отланмоқда

Ўзбекистон КП Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Олий Совети Президиумининг Мурожаати пойтахт ёшлари орасида зўр ватанпарварлик туйғусини жўш урдириб юборди. Шаҳар комсомол комитетига, корхоналарнинг ва муассасаларнинг комсомол ташкилотларига ҳар куни комсомол ва ёшлардан Мирзачўлнинг қўриқ ерларини ўзлаштириш, у ерда кенг миқёсда бошлаб юборилган қурилишларда ишлаш учун юборишни сўраб ўнлаб аризалар тушмоқда. Комсомол ва ёшларнинг янги-янги отрядлари Мирзачўлга жўнаб кетмоқда.

Бундан бир неча кун илгари шаҳар ёшларидан комсомол йўлланмасини олган 55 киши, 14 ноябрь куни эса 50 киши Мирзачўлдаги қурилишларда ишлаш учун жўнаб кетди.

Ҳозир шаҳар комсомол комитетида Мирзачўлга бориб ишлашга ҳоҳиш билдирган ёшлардан яна 60 дан ортиқ ариза олинди ва унинг сони кун сайин ошиб бораётир.

Мирзачўлга ишлаш учун жўнаб кетган ва у ерга бориб ишлашга истак билдириб ариза бераётган ёшлар орасида шофер, дурадгор, арматурщчик, суваокчи ва бошқа касб эгалари кўпчиликни ташкил қилади. 14-СМУ арматурщчиги Т. Ҳамдамов, «Подъёмник» заводининг дурадгори К. Пашин, Октябрь районидаги қурилиш-ремонт конторасининг дурадгори Ф. Новиков, шунингдек шоферлардан Р. Исеев, К. Айдашев ва бошқа ўртоқлар шулар жумласидандир.

* * *

## Мирзачўл ҳақида янги илмий асар

Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти 1955 йилдан бошлаб институт олимларининг илмий асарларини нашр қилишга киришган эди. Яқинда институт илмий ходимлари асарларининг тўртинчи китоби босилиб чиқди. Бунда профессор В. Ф. Булаевскийнинг «Мирзачўлдаги соэтупроқсимон соэтупроқнинг ўтириши» деб аталган катта илмий асари босилган. Бу асарда Мирзачўл тупроғининг хусусиятлари, тупроқнинг ўтириб қолиш ҳодисалари назарияси баён қилинган. Шунингдек, китобда Мирзачўл территориясининг баъзи участкаларида олиб борилган қурилиш практикасига оид айрим мисоллар анализ қилинади. Шунингдек, асарда Мирзачўлдаги тупроқнинг ўтириб қолиш ҳодисалари, бу ҳодисанинг юз бериши мумкин бўлган жойлар, ўтириб қолиш процессининг ерости сув сатҳига алоқаси ва Мирзачўл шароитида ўтириб қолишнинг ҳажмини ҳисоблаш ва бошқа муҳим масалалар ҳал қилиб берилган.

Фаолиятининг кўп қисмини Мирзачўлни ўзлаштириш билан боғлиқ проблемаларни ҳал қилишга бағишлаган машҳур олим Булаевскийнинг бу асарида Мирзачўлга оид жуда кўп илмий асарлар таҳлил қилинган бўлиб, бу китоб проектчилар ва Мирзачўл қурувчилари учун муҳим қўлланма вазифасини бажара олади.

Яқинда институт Мирзачўлни ўзлаштириш масалаларига бағишланган махсус илмий асарлар тўпламини босмага тайёрлайди.

# ҲОСИЛНИ ТЕЗРОҚ ЙИҒИБ ОЛАЙЛИК!

Бўка районидаги Ленин номли колхознинг аъзоси ўртоқ О. Зокирова бу йил мавсумда астойдил меҳнат қилиб, 10 тонна пахта териш тўғрисидаги социалистик мажбуриятини шараф билан бажарди. У, шу кунларда кўрак теришда ҳам намуна кўрсатиб ишламоқда. **Суратда:** ўртоқ **О. Зокирова.**

**В. Салов** фотоси.

## Илғор бригада гектаридан 40 центнердан пахта топширди

Крупская номли колхоз Гулистон районидаги энг йирик колхозлардан ҳисобланади. Колхоз 850 гектар пахта майдонига эга. Пахтакорлар ҳар гектар ердан 30,5 центнердан ҳосил топшириш учун курашиб, йиғим-теримни гоят уюшқоқлик билан давом эттирмоқдалар. Мўл ҳосил учун курашда колхознинг О. Отақулов бошлиқ бригада аъзолари олдинда бораётирлар. Бу бригаданинг азамат пахтакорлари 120 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 40 центнердан пахта топшириб, ўз ютуқларига олган социалистик мажбуриятларини ортиғи билан адо этдилар. Улар терим суръатини бўшаштирмасдан, яна ҳар гектар ердан давлатга қўшимча равишда 7 центнердан ҳосил топшириш учун ғайрат билан ишламоқдалар.

**Н. ПАРПИЕВ.**
**А. УРОҚОВ.**

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1956 ИИЛ 16 НОЯБРГАЧА БЎЛГАН

**МАЪЛУМОТ**

**(Мажбуриятга нисбатан процент ҳисобида)**

| Районлар | Бир кунда | Мавсум бошидан |
|---|---|---|
| **Бўстонлиқ** | 0,40 | 109,83 |
| **Оржоникидзе** | 0,52 | 107,83 |
| **Пискент** | 0,83 | 107,16 |
| **Юқори Чирчиқ** | 0,38 | 106,46 |
| **Ўртасарой** | 0,38 | 103,06 |
| **Сирдарё** | 0,40 | 100,96 |
| Мирзачўл | 0,47 | 98,86 |
| Октябрь | 0,56 | 97,10 |
| Бўка | 0,51 | 96,76 |
| Гулистон | 0,54 | 96,30 |
| Верхне-волинск | 0,37 | 95,20 |
| Калинин | 1,00 | 91,83 |
| Оҳангарон | 0,43 | 91,10 |
| Янгийўл | 0,56 | 90,14 |
| Қуйи Чирчиқ | 0,59 | 90,05 |
| Чиноз | 0,62 | 89,37 |
| Оққўрғон | 0,60 | 88,64 |
| Бекобод | 0,71 | 88,38 |
| Боёвут | 0,47 | 86,18 |
| Ўрта Чирчиқ | 0,61 | 84,60 |

☆ ☆ ☆ ☆ ☆ ☆ ☆ ☆ ☆

## Янгийўлнинг пахта тайёрлашда орқада қолишига асос йўқ

Янгийўл районининг колхозларида пахта тайёрлаш давлат планинигина эмас, балки олинган социалистик мажбуриятни ҳам ошириб бажариш учун етарли пахта бор. Ленин номли колхоз 2100 гектар ернинг ҳар гектаридан 33 центнердан, Сталин номли колхоз 33 центнердан пахта топширганликлари бунга яққол мисол бўла олади. Бу колхозларнинг аъзолари далада қолган ҳосилни сира нобуд қилмай, яқин фурсатда йиғиб-териб олиб давлатга топшириш учун курашмоқдалар. Пахта ҳосилини оширишга эришаётган илғорлар сафи кун сайин кўпаймоқда. «Коммунизм» колхозининг ўртоқ Убай Азаматов бошлиқ звеноси гектаридан 38,5 центнердан пахта топширишга муваффақ бўлди. Звено аъзолари имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, яна ҳар гектаридан 6 центнердан ошириб пахта йиғиб олиш учун курашмоқдалар. Бундай бригада, звенолар районда кўп.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва республика Олий Совети Президиумининг барча меҳнаткашларга қарата чиқарган Мурожаати илғорларнинг ғайрат ва ташаббусини янада оширди. Улар ишни бўшаштирмай, ҳосилнинг сўнгги граммигача йиғиб-териб олиш тадбирларини кўрмоқдалар.

Янгийўл районининг колхозларида барча имконият бўлишига қарамай, кўпчилик колхозларда ноябрнинг биринчи ўн кунлигида пахта териш ва тайёрлаш ҳаддан ташқари бўшаштириб юборилди. Район партия комитети, район ижроия комитети, МТСлар ва колхозларнинг раҳбарлари пахта ҳосилини тезроқ йиғиб-териб олиш ҳамда социалистик мажбуриятни тезроқ бажариш учун зарур тадбирларни кўрмаётирлар. Шунинг учун ҳам ҳозирги кунларда район давлатга мажбуриятга нисбатан жуда оз миқдорда пахта топшираётир. Айрим колхозларда пахта териш ва тайёрлаш бундан ҳам паст.

Масалан, Молотов номли колхозни олайлик. Колхоз 10 ноябргача мажбуриятни 75,4 процент бажаришти. Колхоз графикка кўра ҳар куни давлатга 20 тонна пахта топшириши зарур. Колхоз раҳбарлари кейинги кунларда ишни жуда бўшаштириб юборганликлари натижасида давлатга бор-йўғи 2-3 тонна пахта топширилмоқда.

Нима учун колхозда аҳвол бундай, ёки пахта йўқми?

Колхознинг 710 гектар майдонида ҳали анчагина ҳосил бор, айрим бригадаларда ҳатто очилиб ётган пахта ҳам бор.

Колхозда йиғим-теримга 540 киши қатнашиши керак. Аммо теримда жуда оз киши иштирок этаётир. Меҳнат интизоми жуда бўшашиб кетган. Йиллик пахта тайёрлаш планини энди 68,4 процент бажарган ўртоқ Абдусаломов бошлиқ 13-бригадада 30 колхозчидан атиги 10 киши пахта теримига чиқмоқда. 14 бригададан 6 таси бир неча кунлаб пахта топширмагани ҳолда, колхоз раиси Холиқулов, бошланғич партия ташкилотининг секретари Ортиқалиев ўртоқлар бунинг сабабини суриштирмаётирлар. Колхозда тез-тез мажлис бўлиб турибди. Ҳар галги мажлисда ҳам интизом ҳақида гапирилади. Аммо, гап-гаплигича қолиб, мажлислардан амалий натижа чиқмаётир.

Колхоз раиси ўртоқ Холиқулов ҳали далада ҳосил кўплигига иқрор бўлади-ю, ана шу пахтани тезроқ ва сира нобуд қилмай йиғиб-териб олиш ҳақида ўйламайди. Район партия комитетининг 1-МТС зонаси бўйича секретари Зуев ва раҳбар ходимлардан Мирзақулов ўртоқлар вакил бўлган Молотов номли колхоз шу хилда орқада қолаётганлиги ачинарли бир ҳолдир.

Районни орқага тортаётган колхозлардан яна бири ўртоқ Сафарбоев раис бўлган Фрунзе номли колхозидир. Бу колхоз 970 гектар ернинг ҳар гектаридан 32 центнердан пахта топшириши керак. Колхоз социалистик мажбуриятни эмас, давлат плани бажариши учун яна 600 тоннага яқин пахта бериши лозим. Кейинги тузилган графикка кўра, колхоз ҳар куни давлатга 29 тоннадан ёки 10 кунда 290 тонна пахта топширади, дейилган. Бунинг учун куч етарли, хашарчилар ҳам кўп. 5 та кўсак терадиган машина, 10 та кўсак чувийдиган машина бор. Колхоз раиси пахта йиғим-теримидек муҳим ишга чидаб бўлмайдиган даражада беғамлик ва бепарволик билан қараётганидан кунига атиги 15-18 тонна пахта топширилмоқда. Колхозчилар далага кеч чиқиб, нормаларини бажармай, барвақт кетиб қоладилар. Ёш болали аёллар учун қулай иш шароити яратилмаган. Меҳнат унумдорлиги ҳам паст. Колхоз раиси ўртоқ Сафарбоев кундалик ишни анализ қилиб, камчиликларни бартараф этиш чорасини кўрмайди, далада камдан-кам кўринади. У кўп вақтини правление ёнидаги чойхонада ўтказади.

Колхозга юборилган кучли техникадан гоят даражада қониқарсиз ва нотўғри фойдаланилмоқда. Сафарбоевнинг буйруғи билан Андақулов бригадасида кўсак тераётган икки машина тўхтатиб қўйилди. Кўсак чувийдиган машиналар гоҳ у бригада гоҳ бу бригадага юборилиб, қимматли вақт бекорга ўтказилмоқда. 12-бригада бошлиғи ўртоқ Ғулом Усмонов кўсак теришга юборилган машинани ишлатишга рози бўлмаган. Кўсак етарли терилмаганидан ўнта машина 2-3 соат ишлаб, кўп вақт бекор туради. Шуни ҳам айтиш керакки, МТС раҳбарлари (директори ўртоқ А. Иброҳимов) машиналарни сифатли ремонт қилишга етарли эътибор бермаганларидан баъзи машиналар кўсакда пахтани кўп қолдирмоқда.

«XIX партсъезд» колхози ҳам пахта териш ва тайёрлашда сўнгги ўринларда боряпти. Колхоз давлатга яна 20 процент ёки ҳар гектаридан 7 центнердан пахта топшириши зарур. Колхознинг далаларида ҳали пахта етарли. Колхоз раиси Воҳидов, бошланғич партия ташкилотининг секретари Умаров ўртоқлар ҳалол меҳнат билан етиштирилган ҳосилни тезроқ йиғиб-териб, давлатга топширишга масъулиятсизлик билан қараётирлар. Бригадаларга нисбатан талабчанлик бўшаштириб юборилган. Ҳал қилувчи ҳозирги кунларда кўп кишилар иккинчи даражали ишлар билан банд қилиб қўйилган. Теримчиларнинг ярмидан кўпи кунлик нормани бажармайди. Колхозга дам олиш куни Фрунзе районидан 1800 га яқин ёрдамчи келди. Колхоз раҳбарлари уларни қанор ва этак билан таъминламаганидан пахта терими кўнгилдагидек уюштирилмади.

Хрушчев номли колхозда чаноқларда қолдирилган, эгатларга тўкилган пахталар кўп. Улар териб олинмаётир. Колхознинг ўртоқ Қатундзе бошлиқ 1-бригадасида пахталарни моллар пайхон қилмоқда. Ворошилов номли колхозда пахта нобудгарчилигига қарши курашга расмиятчилик билан қаралганидан ўртоқ Иброҳимов бригадасида ҳар гектар ерда 300-400 килограммгача пахта нестнобуд бўлган. Тўкилган пахталар териб олинмай тупроққа қоришиб, исроф бўлаётир.

Райондаги ҳар иккала МТСда 117 та кўсак чувийдиган машина бор. Буларнинг кўпчилиги ремонтдан чиқарилиб ишга тайёрланмаган. 1-МТСнинг Молотов номли, Ворошилов номли колхозларга юборган машиналари 1-2 соат ишлаб, бузилиб қоляпти. Молотов номли колхозда кўсак терадиган машина бузуқлиги натижасида кўсак ва пахта ерларга тўкилиб нобуд бўлмоқда.

Янгийўл район колхозларидаги ана шу камчиликлар тезда тугатилмаса, пахта тайёрлаш юзасидан олинган социалистик мажбуриятнинг бажарилиши кечикиб кетади. Район партия комитети, район ижроия комитетининг раҳбарлари йиғим-теримга раҳбарликни яхшилашлари, социалистик мажбуриятнинг яқин фурсат ичида бажарилиши учун барча тадбирларни амалга оширишлари керак.

**Ш. КУЗАНБОЕВ,**
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

Бўстонлиқ районидаги «Чирчиқ» колхозининг ўртоқ Т. Орипов бошлиқ бригадаси ҳар гектар ердан 22 центнердан пахта топшириб шу колхоз шароитида катта натижага эришди. Бригада аъзолари яна 3 центнердан пахта йиғиб олиш учун ҳаракат қилмоқдалар. **Суратда:** ўртоқ **Т. Орипов.**

**Г. Кацарнинс** фотоси.

## Гектаридан 45 центнердан ҳосил олиш учун

Ўртоқ Ҳакимполвон Қодиров қарийб чорак асрдан бери Пискент районидаги Калинин номли колхозда бригада бошлиғи бўлиб ишлайди. Ҳакимполвон бошлиқ бригаданинг бирон йил бўлса ҳам пахталарини тайёрлаш планини бажаролмай қолганлигини ҳеч ким эслай олмайди. У чиндан ҳам пахтачиликнинг «тилини» биладиган тажрибали деҳқон.

Областимиз пахтакорлари жонажон Ватанимизга 500 минг тонна пахта топшириш учун ўз зиммаларига янги социалистик мажбурият олганларида бу бригада аъзолари ҳам 110 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан давлатга 30 центнердан пахта топшириш мажбуриятини олган эдилар. Бригадада меҳнатнинг тўғри ташкил этилиши, теримчилар орасида ўзаро социалистик мусобақанинг кучайтириб юборилганлиги натижасида бу мажбурият 117 процент бажарилди. Ҳар гектар ердан 30 ўрнига 35 центнердан ҳосил йиғиб олинди.

Ҳали пахта ҳосилининг анчагина қисми далада ётибди. Илғор бригада аъзолари қўшимча равишда ҳар гектар ердан мавсум охиригача 10 центнердан ҳосил йиғиб олиш учун курашмоқдалар.

**М. САМАТОВ.**

ОБЛАСТЬ СОВХОЗЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1956 ИИЛ 16 НОЯБРГАЧА БЎЛГАН

**МАЪЛУМОТ**

**(Мажбуриятга нисбатан процент ҳисобида)**

| Совхозлар | Бир кунда | Мавсум бошидан |
|---|---|---|
| «Малик» | 0,34 | 99,15 |
| 6-«Кўкорол» | 0,55 | 90,55 |
| «ЎзССР беш йиллиги» | 0,59 | 90,05 |
| 3-«Боёвут» | 0,48 | 87,39 |
| 2-«Далварзин» | 1,03 | 86,96 |
| 1-«Боёвут» | 0,48 | 83,32 |
| «Оққўрғон» | 0,70 | 81,01 |
| 4-«Боёвут» | 0,44 | 76,29 |
| 1-«Далварзин» | 0,76 | 76,10 |
| 4-«Вревский» | 0,69 | 75,26 |
| 1-«Дружба» | — | 60,40 |
| 1-«Фарҳод» | 0,48 | 58,15 |
| Булганин номли | 0,50 | 57,47 |
| Бушуев номли | 0,41 | 55,83 |

## Империалистлар Мисрдан чиқиб кетсинлар

☆ ☆ ☆

### *Мисрга қарши агрессия тўхтатилсин*

Тошкентдаги 2-пойафзал фабрикасида Мисрдаги империалистик агрессияга қарши кўп кишилик норозилик митинги бўлди. Корхона ишчилари ва хизматчилари мард ва жафокаш миср халқига ўзларининг самимий хайрихоҳликларини изҳор қилдилар, интервентларнинг разилона ҳийла-найранглари тўғрисида ғазаб билан гапирдилар.

Биринчи цехнинг закройщиги Лидия Шчепанова тўпланганлар олдида таъсирли нутқ сўзлади:

— Эрксевар миср халқининг тақдирига биз бефарқ қарай олмаймиз, деди у. — Биз, бутун дунё меҳнаткашлари сингари инглиз-француз агрессорлар ва уларнинг исроилли малайлари ўз қўшинларини Мисрдан дарҳол олиб чиқиб кетишларини талаб қиламиз. Биз урушни нима эканлигини, унинг халқларга қандай кулфатлар келтиришини яхши биламиз. Шунинг учун ҳам биз янги уруш оловини ёқишга уринаётганларни ёмон кўрамиз. Империалистлар билиб қўйсинларки, ер юзидаги халқлар уларнинг миср халқини асоратга тушириб қўйишига йўл қўймайдилар. Мустамлакачилар, Мисрдан чиқиб кетингиз!

Учинчи цех ишчиси Хайдар Юнусов ўз нутқида бундай деди:

— Соф виждонли ҳамма кишилар инглиз-француз-исроил агрессорларига лаънатлар айтмоқдалар. Интервентларнинг ёвузликлари ҳақидаги, тинчликсевар миср халқини энг яхши фарзандларининг қирилаётганлиги ҳақидаги кундалик хабарларни ачиниб ўқимоқдамиз ва эшитмоқдамиз. Биз ўз овозимизни бутун дунёдаги меҳнаткашларнинг овозига қўшиб: агрессорлар йўқолсин! Қўшинлар Мисрдан дарҳол олиб чиқиб кетилсин! Жиноятчилар жазолансин! дейміз.

Митингда тўпланганлар якдиллик билан резолюция қабул қилдилар. Бу резолюцияда улар миср халқига ўзларининг самимий хайрихоҳликларини билдирдилар ва инглиз-француз-исроил империалистларининг шармандаларча қилаётган ҳаракатларини қораладилар. (ЎзТАГ).

## *Мисрдан қўлингни торт!*

ЧИРЧИҚ. (ЎзТАГ). Индустриал Чирчиқнинг заводларида ва фабрикаларида Англия, Франция ва Исроилнинг Мисрдаги авантюрасига қарши кўп кишилик норозилик митинглари бўлиб ўтмоқда. Ишчилар ва хизматчилар империалистларнинг жиноий ҳаракатларига нафрат билдирмоқдалар, ўз мустақиллиги учун мардона курашаётган миср халқига қизғин хайрихоҳликларини изҳор этмоқдалар.

Электрохимия комбинатининг кўп минг кишилик митингида ремонт-механика заводининг токари Куничкин сўзга чиқиб, бундай деди:

— Англия ва Франция мустамлакачилари эрксевар миср халқини яна асоратга туширишга қўйишмоқчилар. Лекин уларнинг сурбетларча авантюраси барбод бўлди. Ер юзидаги барча софдил кишилар империалистларга лаънатлар айтмоқдалар. Биз Англия, Франция ва Исроил ҳукуматларидан ўз қўшинларини Мисрдан дарҳол олиб чиқиб кетишларини талаб қиламиз.

Якдиллик билан қабул қилинган резолюцияда химиклар мард миср халқига ўзларининг самимий хайрихоҳликларини билдирдилар.

Чирчиқнинг бошқа корхоналарида ҳам норозилик митинглари бўлиб ўтди.

## *Мустақил Мисрни ҳимоя қилиш учун*

Тошкентдаги пайпоқ-трикотаж фабрикасида Англия, Франция ва Исроилнинг Мисрдаги агрессиясига қарши норозилик юзасидан кўп кишилик митинг бўлди.

— Империалистлар миср халқига ўлим ва вайронгарчилик келтирмоқдалар, — деди пайпоқ цехининг ишчиси В. Қаюмова. — Бутун дунё халқлари билан бирга совет халқи ҳам инглиз-француз ва исроил империалистларининг агрессиячилик ҳаракатларини қатъий равишда қораламоқда. Биз, ишчилар интервентларнинг қўшинлари Мисрдан дарҳол чиқиб кетсин деб талаб қиламиз!

Парда цехининг ишчиси Ш. Пушкова сўзга чиқади.

— Тинчлик душманлари Мисрдаги миллий-озодлик ҳаракатини бўғмоқчи бўладилар, — дейди у. — Прогрессив инсоният бунга йўл қўймайди. Агрессорлар ўз ёвузликлари учун жавобгарликка тортилишлари лозим.

Пайпоқ-трикотаж фабрикаси ишчиларининг митингида қабул қилинган резолюцияда: «Мисрдан қўлингни торт!» деб якдиллик билан талаб қилинади. (ЎзТАГ).

## Мактаб-интернат

1-Оқдон маҳалласининг баҳово ерига жойлашган Тошкент шаҳар халқ маорифи бўлимига қарашли 1-мактаб-интернатнинг ҳовлиси... Кеч кузнинг майин шабадаси ғир-ғир эсиб турибди. Ҳовли бирин-кетин кириб келаётган ўқитувчи ва тарбиячилар билан гавжум бўла бошлади.

Ҳамма йиғилиб бўлгач, интернат директори ўртоқ Каримов тўпланганларни хоналарга бошлади. Улар аввал дарс хоналари, спорт зали, кино, концерт кўрсатиладиган клубни кўздан кечирдилар. Кенг ва ёруғ хоналарни кўриб, ўқитувчилар жуда мамнун бўлишди.

— Энди ўқувчиларга ҳар хил ҳунарларни ўргатишга мўлжалланган устахоналарни кириб кўрайлик, — деди интернат директори.

Дурадгорлик устахонасида арра, ранда каби асбоблар, слесарлик устахонасида эса болаларнинг бўйига мос қилиб ўрнатилган станоклар кўзга ташланади. Ўқитувчилар директорнинг гапидан бу ерда тарбияланувчиларга 18 хил ҳунар ўргатиш мўлжалланаётганлигини билиб олдилар. Сўнгра ўртоқ Каримов ўқитувчи ва тарбиячиларни ётоқхона ҳамда овқатланиш хоналарига бошлади. 36 хонадан иборат ётоқхонага 240 та пружинали кровать қўйилган. Ҳар бир хонада етарли миқдорда тумбочка, шифонер, вешалка... Хуллас, бу ерда болаларнинг яхши яшашлари ва ўқишлари учун ҳамма шароит яратилган.

Мазкур мактаб-интернат қурилишига давлат томонидан 3,5 миллион сўм маблағ сарфланди. Шу жумладан, 802 минг сўмга турли жиҳозлар, 800 минг сўмга эса озиқ-овқат ва кийим-кечаклар сотиб олинди.

Мактабда ўқиш учун рўйхатга олинган 240 боланинг ярми рус, ярми ўзбек болаларидир. Интернатда бу йил 1- синфдан 4- синфгача ўқиш машғулотлари олиб борилади. Кейинчалик эса болалар бу ерда ўрта маълумотни тўлиқ оладиган бўладилар. Бу ерда қўшимча равишда бинолар қурилади, 1960 йилга келиб ўқувчилар сони 600 дан ортади.

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 39 йиллиги байрами куни — 7 ноябрдан мактаб интернатда жўшқин ҳаёт бошланди.

**Ф. УСМОНОВА.**

## ДЎСТЛАР, ДАМ ҒАНИМАТ!

**Шабада учирган олтин баргларни**
**Сумбила сувлари оқизиб кетди.**
**Олтин кузимизнинг навбат топшириб,**
**Йўлга отланажак вақти ҳам етди.**
**Куни кечагина арғимчоқ солиб,**
**Турналар учдилар иссиқ элларга.**
**Ҳар тонг кенг даламиз кўз тутиб турар**
**Меҳнатни шон билган қизу-эрларга.**
**Пахтакорлар! Бизлар тезлик тездан,**
**Сўнгги кўсакни ҳам йиғайлик бардам.**

**Дам ғанимат, дўстлар, зойи кетмасин**
**Утиб бораётган ҳар лаҳза, ҳар дам!**
**Шаҳардан қишлоққа тараддуд кўрган**
**Ўртоқларга оппоқ тонг билан оқ йўл,**
**Сизу-бизнинг қўшган ҳиссамиз билан**
**Ҳосилимиз бўлсин яна мўлу-кўл.**
**Дўстлар, дам ғанимат, зойи кетмасин**
**Утиб бораётган ҳар минут, ҳар дам.**
**Яна киришайлик, қирқини тердик,**
**Ерда қолдирмайлик биттасини ҳам.**

**ШУНҚОР.**

# Луб экинлари ҳосилини янада оширишда имкониятлардан тўла фойдаланайлик

Областимизнинг луб экинлари етиштирувчи колхозлари КПСС XX съезди тарихий қарорларини амалга ошириш учун курашиб, бу йил каноп ва жут экинларидан ҳар йилгидан ҳам мўл ҳосил етиштирдилар ва бу ҳосилни йиғиштириб олиш ишларини гоят уюшқоқлик билан ўтказдилар. Натижада давлатга каноп ва жут топшириш плани ўтган йилгига нисбатан анча илгари бажарилиб, дастлаб ўтган йилга нисбатан 35 минг тонналан кўпроқ маҳсулот топширилган бўлса, колхозлар ўзларидаги барча имкониятлардан фойдаланган ҳолда давлатга қўшимча яна 20 минг тонна каноп ва жут пояси етказиб бердилар.

Тошкент области каноп-жут етиштиришда жуда катта салмоққа эга. Республикадаги луб экинлари майдонларининг 90 процента шу областдадир. Область колхозлари каноп ўстиришга улуғ Ватан уруши бошланмасдан бироз олдин кириштан бўлсалар, жутни фақат 1950 йилдан бошлаб экиб келмоқдалар. Шу ўтган оз муддатда колхозларимиз луб етиштиришни шунчалик ривожлантириб юбордиларки, натижада республикамиз саноати бир неча йиллардан бери 100 мингдаб тонна каноп-жут пояси олиб келмоқда.

Олтинчи беш йилликда республикамизда каноп-жут етиштириш бир ярим баравар кўпайтирилиши керак. Мамлакатимизга луб экинлари маҳсулотини тобора кўплаб етиштириб бериш учун барча имкониятлардан тўла фойдаланилиб, ички резервларнинг ҳаммасини ишга солишимиз керак. Чунки бизда имконият ҳам, резервлар ҳам, шунингдек ўз ишининг устаси бўлиб қолган деҳқонларимиз, ишлаб чиқариш командирларимиз ҳам бор.

Энг муҳим резервларнинг бири қолоқ колхозларни илғорлар даражасига етказиб олишдир. Қуйи Чирчиқ ва Юқори Чирчиқ район партия, совет ташкилотлари, МТСлар кейинги йилларда бу соҳада анча иш қилдилар. Улар колхозларга раҳбарликни яхшилаб, айниқса қолоқ колхозларни илғорлар даражасига етказиш учун барча имкониятлардан фойдаланган ҳолда зарур тадбирларни амалга оширдилар. Натижада Юқори Чирчиқ районидаги илғарилари қолоқ ҳисобланиб келган Ленин номли, Чкалов номли, «Социализм» колхозлари, Қуйи Чирчиқ районидаги Андреев номли, Красин номли, «Қизил шарқ» колхозлари ташкилий хўжалик жиҳатидан мустаҳкамландилар, бу йил мўл ҳосил етиштириб илғор колхозлар билан бир қаторда давлат топшириқларини муваффақиятли бажаришга эришдилар. Демак колхозларга тўғри раҳбарлик қилинганда қолоқ колхозларни илғорларга етказиб олиш ва бунинг натижасида янги имкониятларни қўлга киритиш мумкин бўлар экан. Ўз навбатида ишга солинган бу имкониятлар ҳам ўзининг ижодий самарасини берар экан.

Масалан, колоқ колхозлардан бири — Юқори Чирчиқ районидаги «Ленинский путь» колхози 1955 йилдаёқ ўз ишини ўнглаб олиб, луб экинлари ялпи ҳосилини икки баробар ошириб. Натижада колхознинг пул даромади бир йилнинг ўзидаёқ уч баравар кўпайиб, унинг янада мустаҳкамланиши учун асос солинди. Шунинг учун колхоз 1956 йилда давлатга луб экинлари маҳсулоти топшириш планини 180 процентдан ошириб бажарди. Шунга ўхшаш Қуйи Чирчиқ районидаги Андреев номли колхоз 1955 йил топширигини фақат 46 процент бажарган эди, бу йил эса колхозда ишлар бутунлай ўзгариб кетди. Давлатга жут-каноп пояси топшириш анча илгари тўла бажарилиб, колхоз аъзолари пландан ташқари қўшимча яна 20 процент миқдорида маҳсулот бериш учун курашаётирлар.

Областимизда луб экинлари ялпи маҳсулотини кўпайтиришда қолоқ колхозларни илғорларга етказиб олишдан ташқари умуман изчиллик билан мўл ҳосил учун кураш олиб бориш ҳам катта резерв бўлиб ҳисобланади. Бунга Юқори Чирчиқ районидаги «Правда», Свердлов номли, «Политотдел», «Ўзбекистон ССР 25 йиллиги», Қуйи Чирчиқ районидаги Димитров номли, Энгельс номли ва бошқа колхозларнинг ишлари яқол мисол бўла олади. Бу колхозлар бир неча йиллар мобайнида луб экинларидан мўл ҳосил етиштириб келмоқдалар ва йил сайин даромадларини оширмоқдалар. 1955 йилда бу айтилган колхозларнинг ҳар бири 10-25 миллион сўмдан даромад олиб, колхозчилар меҳнат кунига 20-39 сўмдан пул, 3-4,5 килограммдан дон тақсимлаб бердилар. Бунинг сабаби шуки, илғор колхозлар луб экинларини экиш, парвариш қилиш ишларида агротехника қоидаларига тўла амал қиладилар, прогрессив методларни кенг қўлланадилар.

Масалан, жут-каноп экинлари туп қалинлигини ошириш ҳосилни кескин кўпайтиришга ёрдам бераётир. Бунинг учун уруғни пушталарга кўш қаторлаб ва ҳатто уч қаторлаб экиш ҳозирги вақтда энг яхши агротехник усули бўлиб қолди. Маълум майдонда туп қалинлигининг ошиши билан экиннинг ўсиш ва ривожланиши нормал изданчиқмайди, аксинча, поя сони кўпайиб, ҳосил ошади. Бу усул бундан кейин барча колхозларда дадиллик билан қўлланилиши ва янада такомиллаштирилиши керак.

Илғор колхозларимиз каноп ва жут поялар пўстлоғини даланинг ўзида шилиш йўли билан маҳсулот таннархини анча камайтиришга эришмоқдалар. Бунда НП-9 маркали пўстлоқ шиладиган машина катта роль ўйнаётир. Бу йил план бўйича 15 минг тонна ёки планда мўлжалланган пўстлоқнинг 87,5 процентини кўкида шилиб олдилар. Пўстлоқ кўкида шилинганида ҳосилни ўриб олиш ишлари ва уни давлатга топшириш анча тезлашади. Шунинг учун ҳам бу йил каноп ва жут тайёрлаш плани анча барвақт бажарилди. Бунинг устига транспорт ҳаражатлари ҳам 70 процентдан кўпроқ камайди.

Луб экинларини ўриб-йиғиш ишларини механизациялаштириш ҳам колхозчилар меҳнатини анча енгиллаштиради. Луб экувчи районларда каноп ва жутни ўрадиган ЖК-2,1 маркали машиналар етарли. Лекин машина-трактор станциялари бу машиналардан тўла фойдаланишни ҳали ҳам уюштирмаганлар. Натижада кўпгина машиналар ишлатилмай келмоқда.

Луб экинлари ҳосилини дастлабки ишлаш учун чиқарилган янги машиналар колхозларнинг ишлаб чиқариш шароитида кенг миқёсда синалиб, яхши натижалар берди. Бироқ республика қишлоқ хўжалиги органларининг айби билан бу машиналарни ишлаб чиқариш ҳали ҳам йўлга қўйилмаган.

Колхозларни 1957 йил учун каноп уруғлиги билан таъминлаш кўнгилдагидек ҳал этилмаётир. Қишлоқ хўжалик министрлиги органлари, айрим колхоз, МТС ва районларнинг раҳбарлари колхозларни каноп уруғлиги билан таъмин этиш каби муҳим ишга ҳали ҳам етарли эътибор бермасдан келаётирлар. Агар бу соҳада ҳозирдан бошлаб жиддий чоралар кўрилмаса, 1957 йилда пландаги майдонларни уруғлик билан таъмин этишда ҳилагина қийинчилик рўй бериши мумкин.

Далаларда ўрилган, лекин ҳали ташиб олиниб, эгачилмаган уруғлик каноп поялари кўп. Ана шу уруғлик канопларни ҳам тезда ташиб олиб янчиш, келгуси йил уруғлиги учун қайириш керак. Бу ишда жут-каноп заводларининг тайёрлаш аппаратлари ходимлари ҳам ўз масъулиятларини сезишлари, пландаги уруғликни тайёрлаб олиш учун колхозларга амалий ёрдам беришлари зарур.

**С. НУСРАТОВ,**
Ўзбекистон ССР Тўқимачилик саноати министрлиги Главлуб бошқармасининг бошлиғи.

## Университет кутубхонасининг алоқалари кенгаймоқда

В. И. Ленин номли Ўрта Осиё давлат университетининг асосий кутубхонаси фондида 900 мингдан ортиқ китоб бор. Булар орасида жуда кўп қимматли ва нодир асарларни кўриш мумкин. XVIII-XIX-XX асрларга оид ручса китоблар, XV-XX асрларда нашр этилган чет эл китоблари, француз революциялари даврида чиққан асарлар, массончилик даврида босилган китоблар, конвольюталар, фотографик альбомлар қимматли ёдгорликлардандир.

Кутубхона халқ демократияси ва капиталистик мамлакатлардаги кутубхоналар, университетлар билан алоқа қилиб туради. Кутубхона САГУ олимларининг университетда 1929 йилдан бери нашр этилган асарлар тўпламини бошқа университет ва кутубхоналарга юборади. Кутубхона Совет Иттифоқидаги 32 университет билан, барча фанлар академияларининг ва уларнинг филиаллари билан доимо алоқа қилиб турибди.

Вашингтондаги Конгресс кутубхонаси, Франциядаги миллий кутубхона, Оксфорд университетининг Бодлен кутубхонаси, Нью-Йоркдаги халқ кутубхонаси билан, Югославия, Болгария, Бельгия, Хитой, Польша, Руминия, Чехословакия ва бошқа мамлакатларнинг фанлар академиялари билан алоқа боғланган. Университет китобхонлари кутубхонадан ўзларини қизиқтирган илмий асарларни олиб ўқиш имкониятига эгадирлар.

Яқинда кутубхона иккинчи француз Антарктика экспедициясининг 23 томлик асарини, «Француз юриспруденцияси 1807-1952 йилларда» деган ҳукмлар ва ажойиб суд қарорлари тўпламини ва Бурн деган олимнинг «Сут эмизувчиларнинг жигар ости безлари» деган илмий асарини ҳам олди. Бу асарда XVII асрдан бери безларни ўрганиш соҳасида ортирилган билимлар баён қилинади.

Тошкентга келган ҳинд олимлари делегацияси кутубхона ходимларига «Гандининг автобиографияси», Кабир деган ҳинд олимининг «Демократик фан ва ислом», «Янги Ҳиндистонда халқ маорифи» деган асарларини тақдим қилди. Бундан ташқари, кутубхона Ҳиндистонда чиқадиган «Аджкал» («Замондош») журналини, йилда бир марта Оксфорд университетида чиқадиган славяншуносликка оид тўпламни, Чехословакиядан эса рус тилидаги математик, физик ва химик журналларни мунтазам равишда олиб туради.

Ўрта Осиё давлат университети асосий кутубхонасининг алоқалари йил сайин кенгайиб бормоқда.

**А. ЛАБУТИНА.**

## СССР Министрлар Совети Раиси Н. А. Булганин билан Буюк Британия Бош министри Антони Иденнинг

# БИР - БИРЛАРИГА ЮБОРГАН МАКТУБЛАРИ

6 ноябрда Буюк Британия Бош министри Антони Иденнинг СССР Министрлар Совети Раиси Н. А. Булганин номига ёзилган мактуби Буюк Британиянинг СССР даги Элчихонаси орқали олинган эди.

15 ноябрда СССР Ташқи Ишлар Министрининг Биринчи Уринбосари А. А. Громико СССР Министрлар Совети Раиси Н. А. Булганининг Бош министр Антони Иденга ёзган жавоб мактубини Буюк Британиянинг Москвадаги Элчиси У. Хэйтерга топширди.

Мактубларнинг текстлари қуйида эълон қилинади.

## Буюк Британия Бош министри Антони Иденнинг СССР Министрлар Совети Раиси Н. А. Булганинга мактуби

Лондон. 1956 йил. 6 ноябрь.

Ҳурматли Бош Министр жаноблари-га.

Мен Сизнинг кечаги мактубингизни олиб, гоят афсусландим. Сиз шундай ибораларни ишлатгансизки, дастлаб мен Ҳазрат Олияларининг элчисига бу хатни мутлақо номақбул мактуб деб қайтариб беришни тоширишимгина мумкин, деган қарорга келдим. Лекин пайт шу қадар жиддийлирки, менинг фикримча, бутун дунё учун ҳаётий муҳим аҳамиятга эга бўлган низоли масалаларни Сиз билан мен ўтмишда муҳокама қила олганмиз тарздаги оқилона руҳда Сизга жавоб беришга уриниб кўришим керак.

Ҳазрат Олияларининг ҳукумати, Англия ва Франция ҳукуматлари томонидан қилинган ҳаракатларнинг асосий мақсади Исроил билан Миср ўртасидаги урош ҳаракатларини тўхтатишдан ва урушувчи томонларни ажратиб қўйишдан иборат эканлигини неча марталаб айтди. Эндиликда бу мақсадга аслда эришилди. Келгусига келганда, Сизга маълумки, Канада ҳукумати бу районда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг махсус халқаро қуролли кучларини тузишни таклиф қилди. Бош Ассамблея бундай қуролли кучларни ташкил этмоқ учун биринчи қадамларни қўйди. Ҳазрат Олияларининг ҳукумати Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг халқаро қуролли кучларини тузиш принципини тўла равишда маъқуллайди. Аслини олғанда, буни биз ўзимиз таклиф қилган эдик. Бугун биз бу масалада Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош секретарининг ахборотини олдик. Бу ахборотга биз қуйидагича жавоб бердик:

«Ҳазрат Олияларининг ҳукумати гарчи баъзи моддаларни қўшимча тушунтириб бериш зарур деб ҳисобласа ҳам, лекин Бош секретарнинг ахборотини табриклайди. Агар Бош секретарь Миср ва Исроил ҳукуматлари жангни ҳеч сўзсиз тўхтатишга рози бўлдилар, деб ва тузилмоқчи бўлган халқаро қуролли кучларга Бош Ассамблеяда 2 ноябрда қабул қилинган резолюциянинг тегишли моддаларида кўрсатилган мақсадларга эришувни таъминлаш ва буни кузатиб туриш тўғрисида ваколат берилади, деб таъкидлайдиган бўлса, у ҳолда Ҳазрат Олияларининг ҳукумати бундан буён урош ҳаракатларини тўхтатишга рози бўлади. Бироқ, Ҳазрат Олияларининг ҳукумати шуни кўрсатиб ўтишни истар эдики, Сувайш каналини ва унга олиб келадиган йўлларни тозалаш асло ҳарбий операция бўлмагани ҳолда, жаҳон кемачилиги ва савдоси манфаатларини таъминлайдиган ғоят жиддий вазифадир. Франция-Англия қуролли кучлари бу вазифани уддалаш учун юборилганлар. Шу сабабли, Ҳазрат Олияларининг ҳукумати Франция, Англия қуролли кучлари ихтиёрига берилган техника ходимлари бу ишга дарҳол киришсинлар, деб таклиф қилади.

Юқорида айтилганлар таъкидланганга қадар Ҳазрат Олияларининг ҳукумати ўз қуролли кучларига, башарти улар ҳужумга учрамасалар, ярим кечада жангни тўхтатишга буйруқ беради».

Агар Сизнинг Ҳукуматингиз Исроил билан Миср ўртасидаги урош ҳаракатларининг яна бошланиб кетишига йўл қўймаслик, Исроил қўшинларининг олиб кетилишини таъминлаш, Сувайш каналини тозаламоқ учун ҳамда каналда кемаларнинг яна қатнай бошлаши ва бу райондаги проблемаларнинг бартараф этилишига кўмаклашмоқ учун зарур чораларни кўриш вазифасини ўз зиммасига олган халқаро қуролли кучлар тузиш тўғрисидаги таклифни қувватласа, у ҳолда Сиз тинчлик ишига хисса қўшган бўласизки, буни биз, табриклаймиз.

Бизнинг мақсадимиз — Сиз билан бахслашиб ўтириш эмас, балки тинч ҳал қилиш йўлини топишдир. Бироқ, мен Сизнинг мактубингизда бўлган асоссиз айбловларни жавобсиз қолдира олмайман.

Сиз бизни Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларининг миллий мустақиллигига қарши урош олиб боришда айблаётирсиз. Биз Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бу районда тинчликни сақлаб туриш жисмоний вазифасини ўз зиммасига олишига рози бўлганлигимизни айтиб, бу айбнинг бемаънилигини исбот қилдик. Сиз бизни Миср шаҳарлари ва қишлоқларини ваҳшийларча бомбардировка қилишда айблаётирсиз. Биз аэродромларга ва бошқа ҳарбий объектларга ҳужум қилганимизда одамлар мумкин қадар кам қурбон бўлсин, деб жуда қаттиқ эҳтиёт чораларини кўрган эдик. Баъзи қурбонлар бўлгандир, албатта. Бу ҳақда биз жуда афсусланамиз. Ҳамма жойда жанглар тўхтатилгандан кейин аниқ рақамларни белгилаб олиш мумкин бўлади. Биз бу рақамлар жуда оз бўлади, деб ўйлаймиз. Ҳар ҳолда, бу қурбонларни совет қуролли кучларининг ҳаракати билан Венгрияда одамларнинг қурбон қилинганига ва ҳозир ҳам қурбон қилинаётганига сира таққослаб бўлмайди. Кейинги уч кун мобайнида Венгрияда совет қўшинлари мустақиллик учун чинакам миллий ҳаракат томонидан, ўзини бетараф деб эълон қилиб, Совет Иттифоқининг хавфсизлиги учун ҳеч қандай таҳдид солмаслигини исбот қилган ҳаракат томонидан кўрсатилган қаҳрамонона қаршиликни шафқатсизлик билан бостирилганлигини бутун дунё билади. Шундай бир вақтда Ҳазрат Олиялари ҳукуматининг ҳаракатларини «ваҳшиёна ҳаракат» деб айтиш Совет Ҳукуматига ярашмайди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Сизнинг ҳукуматингизни венгер халқига ҳар қандай қуролли ҳужумни тўхтатишга, ўз қўшинларингизни Венгрия территориясидан олиб чиқиб кетишга ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг кузатувчиларини Венгрияга қабул қилишга чақирди. Сизнинг жавобингиз Сиз Ҳазрат Олиялари ҳукуматига нисбатан қўлланишни лозим топган сўзларнинг самимийлиги тўғрисида фикр юритмоқ учун жаҳонга имконият беради.

Сизга самимият билан

**Антони ИДЕН.**

## СССР Министрлар Совети Раиси Н. А. Булганиннинг мактуби

Буюк Британия Бош министри Антони Иденга

Москва, Кремль 1956 йил 15 ноябрь

Ҳурматли Бош Министр жаноблари,

Мен Сизнинг 5 ноябрдаги хатимга ёзган жавобингизни олдим. Биз бу хатда Англия, Франция ва Исроилнинг Мисрга қарши урош ҳаракатлари муносабати билан Яқин Шарқдаги аҳволга ўзимизнинг муносабатимизни изҳор қилган эдик.

Совет ҳукумати Мисрдаги урош ҳаракатлари эндиликда тўхтатилганлиги ҳақида ўзининг мамнун бўлганлигини билдиришни истар эди. Биз, Англия ҳукумати Мисрга қарши жангларни тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилиб, бу билан халқларнинг, шу жумладан, Англиянинг ўзидаги аҳоли кенг доираларининг хоҳишига, шунингдек Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси Фавқулодда сессиясининг жангларни тўхтатиш ва Англия, Франция ҳамда Исроил қўшинларини Миср территориясидан олиб чиқиб кетиш тўғрисидаги талабига қараб иш қилганлигидан мамнунмиз.

Менингча, ҳозирги вақтда бизнинг умумий мақсадимиз — конфликтни авж олдириш эмас, балки Яқин ва Ўрта Шарқ районида тинчлик иши учун, ҳал этилмаган проблемаларни тинчлик билан бартараф қилиш учун хатарли бўлган аҳволни тугатиш йўлини қидиришдир. Шу муносабат билан бизда, гарчи, Миср жанглар тўхтаган бўлса ҳам, лекин Англия, Франция ва Исроил қўшинларининг Миср территориясидан олиб чиқиб кетиш тўхтаб қолаётганлиги ва баъзи маълумотларга қараганда, ҳатто бу районда қуролли кучлар тўпланаётганлиги ҳақида маълум безовталик бор. Мен бундай аҳвол хатарли деб ўйлайман. Бу нарса аҳволни бартараф қилишга эмас, балки янада мураккаблаштиришга олиб келиши мумкин. Сиз Мисрга қарши янги ҳарбий операцияларга тайёргарлик кўрилади деб баҳоланиши мумкин бўлган тадбирларни кўрмассиз деб умид қиламиз. Сиз, бу районда вужудга келган вазият ғоят кескин эканлигини ва бўрон уруғларини сочиш керак эмаслигини инкор қилмасангиз керак, чунки ҳозирги шароитда бу ерда олов яна ловуллаб кетмоғи учун учқун тушишнинг ўзи кифоя қилади.

Албатта, шу нарса эсингизда бўлса керакки, Лондондаги учрашувларимиз вақтида ва бир-биримизга шахсан юборган хатларимизда Мисрга қарши агрессив урош ҳаракатлари очилган тақдирда Англия учун хатарли оқибатлар келиб чиқишига Сизнинг эътиборингизни жуда дўстона равишда жалб қилган эдик. Бизнинг ўша маслаҳатларимизга Сиз қулоқ солмаганингизга афсусланамиз. Лекин Мисрга қарши қилинган интервенция натижасида нималар келиб чиқди? Мисрга кўп кулфат етказилди — Миср шаҳарлари ва аҳоли яшайдиган жойлари вайрон қилинди, минглаб бегуноҳ кишилар ўлдирилди ва майиб қилинди, Сувайш каналига жиддий шикаст етказилди, Миср савдосига ва экономикасига талафот етказилди.

Лекин Мисрга қарши урош қилиш билан Англия ҳам ҳеч бир нарсага эришгани йўқ, у фақат ҳам сиёсий жиҳатдан, ҳам иқтисодий жиҳатдан катта зарар кўрди, холос. Урош Сувайш каналини Англия ва бошқа мамлакатларнинг кемалари учун ёпиб қўйди, Англияни Яқин Шарқ нефтининг кўп қисмидан маҳрум қилди, уни катта ҳарбий харажатлар қилишга мажбур этди ва ички иқтисодий қийинчиликларга солиб қўйди. Урош Англиянинг халқаро позицияларига путур етказди, араб халқларида ҳамда Осиё ва Африка мамлакатларининг бошқа халқларида агрессия йўлига кирган давлатларга нисбатан чуқур нафрат туғдирди, Англиянинг кўп мамлакатлар билан муносабатларини ёмонлаштирди. Мана шуларнинг ҳаммаси яна жуда узоқ вақтлар давомида Англияга оғир таъсир қилиб туришига шубҳаланиш мумкин бўлмаса керак.

Мен, Бош министр жаноблари, фурсатдан фойдаланиб, Англияда, шу жумладан расмий шахслар томонидан ҳам ғаркатилаётган уйдирмаларни, гўё Совет Иттифоқи Яқин Шарқ районида ғарб давлатларининг манфаатларига қарши қаратилган қандайдир алоҳида мақсадларни кўзламоқда, деган уйдирмаларни қатъиян рад қиламан.

Совет ҳукумати Яқин Шарқда тинчлик ва осойишталикни тикламоқ ҳамда Мисрга қарши қилинган агрессия оқибатларини тугатмоқ учун аввало Англия, Франция ва Исроил ҳукуматлари ўзларининг бостириб кирган ҳамма қўшинларини, Миср ҳукумати талаб қилаётганидек ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси Фавқулодда сессиясининг резолюциясида кўзда тутилганидек, Миср территориясидан дарров олиб чиқиб кетишлари зарур, деб ҳисоблайди.

Шу билан бирликда, биз, Мисрга қарши агрессия қилган Исроил араб давлатларига нисбатан ўзининг босқинчилик ниятлари борлигини ошкора айтганлиги сабабли, Исроилнинг араб давлатларига нисбатан ўтмишда бир неча марталаб қилган ҳамда Хавфсизлик Кенгаши томонидан қораланган иғволарига хотима берадиган қарорни биргаликда куч ва ғайрат сарфлаб топиш керак, деган масала туғилади, деб ҳисоблаймиз, бу масалани ҳал қилиш бу райондаги аҳволни стабиллаштирмоқ ва Мисрга қарши агрессиянинг оқибатларини тугатмоқ учун катта аҳамиятга эга бўлур эди.

Адолат шуни тақозо қиладики, Миср шаҳарлари ва оҳоли яшайдиган жойлари вайрон қилинганлиги сабабли, Сувайш канали ишламай қўйганлиги ва унинг иншоотлари вайрон қилинганлиги сабабли етказилган зарарни Англия, Франция ва Исроил Мисрга тўламоғи керак. Совет ҳукумати Англия, Франция ва Исроилнинг урош ҳаракатлари сабабли Мисрга етказилган зарарларни тўлаш тўғрисида Мисрнинг қонуний талабларини кўриб чиқмоқ ва тезроқ қондирмоқ учун Мисрнинг иштироки билан тегишли халқаро комиссия тузиш зарур деб ҳисоблайди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг халқаро қуролли кучларини тузиш масаласига келганда, Совет Иттифоқи ҳали ҳам шу фикрдадирки, Англия, Франция ва Исроилнинг қуролли кучлари Миср территориясидан олиб чиқиб кетилган тақдирда, бу хилдаги халқаро қуролли кучларга зарурият қолмайди. Бироқ, Миср ҳукумати принцип эътибори билан бунга розилик берганлигини ҳисобга олиб, Совет ҳукумати Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Қуролли кучларининг киритилишига қарши эътироз билдирмайди, чунки бу қуролли кучлар Исроил билан Миср ўртасида яраш битимида белгиланган демаркация линияларининг иккі тарафига жойлаштирилиши мумкинлигини назарда тутади. Бу қўшинлар Сувайш канали зонасида жойлаштирилмаслиги керак, чунки қўшинларнинг бу зонада жойлаштирилиши 1888 йилги конвенция зид бўлиб тушган бўлур эди, суверен давлат бўлган Миср ҳукуматининг ўзи ҳам бу районда зарур тартибни таъминлайди. Албатта, Миср территориясида халқаро қуролли кучларни жойлаштириш масаласи ва бу кучларнинг Миср территориясида қаровсиз туриши масаласи фақат Миср ҳукуматининг розилиги билан ва унинг ҳужумни қўллаб-қувватлаган давлатларнинг ҳарбий қисмлари бу қўшинлар составига кира олмайди.

Сиз ўз хатингизда Венгриядаги аҳволни тилга олгансиз. Бу масала ҳақида Венгрия Революцион Ишчи-Деҳқон ҳукуматининг тегишли баёноти бор. Бу баёнотдан шу нарса келиб чиқадики, Венгриядаги халқ-демократик тузумни ағдариб ташлаш ва хортичи-фашист режимини ўрнатиш мақсадида мамлакат ичидаги ва ташқарисидаги реакциянинг ҳамма қора кучлари сафарбар қилинганлигига қарамай, бу уриниш батамом барбод бўлди. Венгрия ишчилар синфи, меҳнаткаш деҳқонлари, венгер ватанпарварлари реакция йўлига гов солдилар, гарчи венгер халқи реакцион фитначиларнинг ҳаракатлари натижасида, афсуски, қурбонлар берган, қон тўккан бўлса ҳам, ҳар ҳолда халқ-демократик тузумнинг ғалабаларини шараф билан сақлаб қолдилар.

Табиийдирки, ватан хавф остида қолганлиги сабабли Венгрия Революцион Ишчи-Деҳқон ҳукумати Совет ҳукуматига ёрдам сўраб мурожаат қилди, биз бундай ёрдам кўрсатишни ўз бурчимиз деб ҳисобладик.

Биз ҳали ҳам шундай деб ҳисоблаймизки, Венгриянинг ички ишларига ва унинг Совет Иттифоқи билан ўзаро муносабатлари масаласига бирор кимсанинг аралашиш йўлидаги уринишлари бутунлай ассосиздир ва қатъиян рад қилинмоғи лозим.

Самимий ҳурмат билан

**Н. БУЛГАНИН.**

**Буюк Британия Бош Министри сэр Антони ИДЕН**

**Жаноб Олийларига.**
**Лондон.**

## СССР Министрлар Совети Раиси Н. А. Булганин билан Франция Министрлар Совети Раиси Ги Молленинг

# БИР-БИРЛАРИГА ЮБОРГАН МАКТУБЛАРИ

6 ноябрда Франциянинг СССРдаги элчиси М. Дежаннинг Ташқи ишлар министри Д. Т. Шепилов номига ёзган хати олинди. Франция Министрлар Совети Раиси Ги Молленинг СССР Министрлар Совети Раиси Н. А. Булганинга мактуби шу хат-билан қўшиб юборилди.

СССР Ташқи ишлар Министрининг биринчи Уринбосари А. А. Громико 15 ноябрда Франциянинг Москвадаги элчиси М. Дежанга СССР Министрлар Совети Раиси Н. А. Булганининг Франция Министрлар Совети Раиси Ги Моллега жавоб мактубини топширди.

Мактубларнинг текстлари қуйида эълон қилинади.

## Франция Министрлар Совети Раиси Ги Молленинг СССР Министрлар Совети Раиси Н. А. Булганинга мактуби

1956 йил 6 ноябрь.

Раис Жаноблари,

Мен Сизнинг 5 ноябрда менга юборган хатингиз билан танишиб чиқдим ва мен ҳам Сизга шундай ошкорлик билан жавоб қайтараман.

Сиз сингари мен ҳам ҳозирги шароитда кучга мурожаат қилиш жиддий таваккал қилиш билан баравар эканлигини тушунаман. Сиз сингари мен ҳам жаҳон ўзи интилаётган тинчликка яна эришувини истайман.

Бироқ, Раис Жаноблари, мен дўқ қўлланиш ва таъсир доираси катта бўлган қуролнинг имкониятларини рўкач қилиш йўли билан ҳозирги вазиятнинг равшанланиши мумкинлигига шубҳаланаман. Иккинчи томондан, мен, Совет Ҳукуматининг харакатлари натижасида Венгрияда қон оқизилган бир вақтда бу ҳукуматнинг «бегуноҳ тўкилган қон» хусусида хайрихоҳлик изҳор қилмоқ учун зарур обрўга эга бўлиши мумкинлигига шубҳаланаман.

Сиз, Раис жаноблари сингари мен ҳам урош ҳаракатларининг тўхтатилишини ва масъул ҳукуматларнинг ҳаммаси кучдан фойдаланишдан узил-кесил воз кечишларини истайман. Биз бошлашга мажбур бўлган ва онгли ҳамда муайян равишда чекланган характерда эканлигига Сиз, эҳтимолки, аниқ баҳо бермаётган операциялар Мисрга қарши ҳарбий операциялар эмас; бу операциялар, жумладан, баъзи Ҳукуматлар томонидан, шу қаторда Сизнинг Ҳукуматингиз томонидан ҳам Миср ҳукуматини қўллаб-қувватлаш натижасида Яқин Шарқда вужудга келган ҳолатнинг, яъни хавфсизликнинг доимий йўқлиги ҳолатининг баъзи аспектларини йўқотиш мақсадининг ўзинигина кўзлаган операциялардир. Ҳақиқатда шу нарса равшандирки, Миср Ҳукумати бу районда хавфсизликнинг йўқлиги ҳолати ҳукм сурмоғи учун бир неча ой мобайнида ҳамма чораларни кўрди ва биз Сувайш проблемасини ҳамма учун қониқарли қилиб ҳал қилиш йўлини топиш ниятида узоқ вақт олиб борган музокараларимизга қарамай, бу Ҳукумат мақбул бўладиган ҳар қандай битимдан бош тортди.

Менга шу нарса муайян бўлиб кўрилмоқдаки, агар СССР кескинликни юмшатиш ва тинчлик тўғрисида ўзи эълон қилган сиёсатга мувофиқ қоҳирада тўхтатиб турувчи таъсир ўтказганида эди, воқиалар бутунлай бошқача тус олган бўлур эди. Шуни илова қилишимга ижозат берингизки, агар СССР ҳақиқатан ҳам Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг обрўйини ҳурматлашга мажбур этишни истаганда эди, у, одамгарчилик қонунларини ва адолат ҳамда ҳуқуқ талабларини бузган ҳолда, Венгрияда ўзи ўтказаётган операцияларга, Бош Ассамблея Резолюциясига мувофиқ равишда осонлик билан ҳотима берган бўлур эди.

Яқин Шарққа нисбатан Франциянинг позицияси қуйидагилардан иборат: Исроил Давлати ва Миср жангларни тўхтатишга истак билдирганлари ҳамона ва Бирлашган Миллатлар ташкилоти тузишга қарор қилган халқаро кучлар, Бош Ассамблеянинг 2 ноябрдаги Резолюциясининг 1, 3 ва 4-моддаларига мувофиқ, ўз олдиларига қўйган вазифаларни бажаришга қодир бўлишлари ҳамоно, биз жангларни узил-кесил тўхтатишга рози бўлишга тайёрмиз. Худди шунингдек, биз жангларни узил-кесил тўхтатиш ва Яқин Шарқ проблемаларини бартараф қилиш шартларини ишлаб чиқиш мақсадида Хавфсизлик Кенгашининг Министрлар даражасида тўпланишини истаймиз.

Раис жаноблари, мен СССР Ҳукумати ўз позициясини ўз зиммасига олган жавобгарликнинг аҳамиятига мувофиқлаштирса эди, деб истак билдираман ва Сиз, Раис жаноблари-дан менинг ғоят юксак ҳурматимни қабул қилишингизни сўрайман.

**Ги Молле.**

## СССР Министрлар Совети Раиси Н. А. Булганиннинг Франция Министрлар Совети Раиси Ги Моллега мактуби

Москва, Кремль, 1956 йил 15 ноябрь.

Ҳурматли Раис жаноблари,

Яқин Шарқдаги аҳвол масаласи тўғрисида Совет Ҳукуматининг позициясини баён қилиб 5 ноябрда ёзган хатим муносабати билан Сизнинг мактубингизни олдим. Сизнинг мактубингиздан кейин Франция Ҳукуматининг Мисрдаги жангларни тўхтатишга қарор қилганлиги ҳақидаги ахборотни ҳам олдик.

Совет Иттифоқи Ҳукумати Мисрдаги жангларнинг тўхтатилганлиги тўғрисидаги хабарни мамнуният билан кутиб олди. Франция Ҳукумати Мисрга қарши жангларни тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилганлигига ва бу билан халқларнинг, шу жумладан, Франциянинг ўзидаги аҳоли кенг доираларининг истагига, шунингдек жангларни тўхтатиш ҳамда Англия, Франция ва Исроил қўшинларини Миср территориясидан олиб чиқиб кетиш тўғрисида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси Фавқулодда сессиясининг талабига яраша иш қилганлигига мамнун бўлдик.

Ҳозирги вақтда бутун куч-ғайрат Яқин ва Ўрта Шарқ районида Франция, Англия ва Исроилнинг Мисрга сабабсиз ҳужум қилганлиги натижасида туғилган хатарли аҳволни тугатиш ва аҳволни кескинлаштирадиган ҳеч бир иш қилмаслик имкониятларини топишга қаратилиши лозим, деб ҳисоблаймиз. Сиздан шу нарсани яширмайманки, шу муносабат билан баъзи фактлар бизда жиддий хавотирлик туғдирмоқда.

Гарчи Мисрдаги жанглар тўхтатилган бўлса ҳам, бироқ, Мисрга бостириб кирган қўшинларни унинг территориясидан олиб чиқиб кетиш ҳали ҳам тўхтаб турибди, баъзи маълумотларга қараганда эса, шу районда Англия-Франция қуролли кучлари тўпланмоқда. Бу ҳол масалани, табиий, биз интилишимиз лозим бўлганидек тинч йўл билан бартараф қилишга эмас, балки кескинликни қучайтиришга олиб келиши мумкинки, бунга шак-шубҳа бўлмаса керак. Биз, Франция Ҳукумати Мисрга қарши янги урош ҳаракатларига тайёргарлик кўрилаётир, деб баҳоланиши мумкин бўлган тадбирлар кўрмайди, деб умид қиламиз. Бу районда вужудга келган вазият ғоят кескин эканлигини ва бўрон уруғларини чочиш керак эмаслигини сиз ўзингиз ҳам инкор қилмасангиз керак, чунки ҳозирги шароитда бу ерда оловнинг яна ловуллаб кетиши учун учқун тушишнинг ўзи кифоя қилади.

Мен шуни эслатиб ўтишни истар эдимки, яқиндагина бир-биримизга ёзишган хатларимизда биз, агар Франция ва Англия Мисрга қарши урош бошлайдиган бўлса, бу ҳол аввало Франция ва Англия учун алоҳида оғир оқибатларга олиб келмаслиги мумкин эмаслигига жуда дўстона равишда Сизнинг эътиборингизни жалб қилган эдик. Дарҳақиқат, Мисрга қарши бир неча кунгина давом қилган урош ҳаракатлари натижасида Сувайш каналида катта вайронгарчилик бўлди, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларидан нефть етказиб бериш бузилди, Францияга ва Ғарбий Европанинг бошқа кўп мамлакатларига жуда катта иқтисодий талафот етказилди. Мисрга қарши агрессив урош Франциянинг халқаро позицияларига кучли зарба берганлиги, Шарқ халқларида агрессор давлатларга нисбатан чуқур нафрат туғдирганлиги, Франциянинг кўп давлатлар билан муносабатларини очиқдан очиқ ёмонлаштирганлиги тўғрисида мен гапириб ҳам ўтирмайман. Урош Францияга ҳеч бир яхшилик келтирмади ва келтириши ҳам мумкин эмас эди, унинг оғир оқибатлари Францияда ҳали узоқ вақт давомида ўзининг таъсирини муқаррар кўрсатиб туради.

Тинчликсевар Миср территориясига бостириб кирган Франция, Англия ва Исроил қўшинлари Миср аҳолиси бошига жуда кўп кулфатлар солди, албатта, ўзининг озодликка интилишдан иборат ҳаққоний ишини ва ўзининг миллий мустақиллигини ҳимоя қилаётган бу давлат экономикасига катта зарар етказди, албатта, лекин мана шуларнинг ҳаммаси Мисрга ҳужум қилган Франция ва бошқа давлатлар қуролининг шуҳратини заррача оширмади.

Мен, Раис жаноблари, фурсатдан фойдаланиб, Францияда, шу жумладан, расмий шахслар томонидан таркатилаётган уйдирмаларни, яъни Совет Иттифоқи Яқин Шарқ районида Ғарб давлатларининг манфаатларига қарши қаратилган қандайдир алоҳида мақсадларни кўзда тутаётир, деган уйдирмаларни қатъиян рад қилишни истар эдим.

Совет Ҳукумати Яқин ва Ўрта Шарқда тинчликни ва осойишталикни тикламоқ ҳамда Мисрга қарши қилинган агрессиянинг оқибатларини тугатмоқ учун Миср ҳукумати талаб қилаётганидек ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг Фавқулодда махсус сессияси қарорида даъват қилганидек, аввало француз, инглиз ва исроил қўшинлари Миср территориясидан дарҳол олиб чиқиб кетилиши зарур деб ҳисоблайди.

Исроил араб мамлакатларига, Хавфсизлик Кенгашининг бир қанча қарорларида қайд этиб ўтилганидек, неча қайталаб сабабсиз ҳужум қилганлиги сабабли ва бу давлатнинг Мисрга қарши қуролли агрессия қилганлигини эътиборга олиб, Исроилнинг қўшни араб давлатларига қарши Хавфсизлик Кенгаши қарорларида неча марталаб қораланган янги иғволарни бундан кейин ҳам қилишига йўл қўймайдиган тадбирларни биргаликда куч ва ғайрат сарфлаб топиш зарур. Бу эса шу райондаги аҳволнинг стабиллашишига ёрдам берган бўлур эди ва Мисрга қарши қилинган агрессиянинг оқибатларини тугатмоқ учун катта аҳамиятга эга бўлур эди.

(ОХИРИ ТУРТИНЧИ БЕТДА).

## Саудия Арабистони короли Сауд Ибн Абдилазиз Алфайсал Алсауднинг телеграммаси

## Совет Иттифоқи Олий Совети Президиуми Раиси К. Ворошилов Жаноб Олийларига

МОСКВА

Самимий телеграмма юбориб ўз ҳисларингизни ва Совет Иттифоқи халқларининг ҳисларини изҳор этганлигингиз учун, шунингдек мени ғоят таъсирлантирган яхши тилакларингиз учун Сиз Жаноб Олийларига ташаккур билдираман. Миср қарши қилинган ва Сиз Жаноб Олийлари томонидан, Совет Иттифоқи халқлари ва бутун дунё томонидан қораланган агрессия оқланиши мумкин эмаслиги тўғрисида Сиз баён қилган фикрга юксак баҳо бераман. Агрессорларга зарба беришга ҳамда ер юзининг бу қисмида ва бутун дунёда хавфсизлик сақланишига қаратилган Сизнинг куч-ғайратингиз, шунингдек тинчликсевар миллатларнинг куч-ғайрати муваффақият қозонишини истаймиз.

Мен ҳам шахсан Сиз Жаноб Олийлари ва Сизнинг улуғ мамлакатингиз шарафига энг яхши тилакларимни изҳор қиламан.

**САУД.**

## Дамашқ шаҳри бикокор ишчилари касаба союзларининг ўртоқ Н. А. Булганинга мурожаати

«МОСКВА

СССР Министрлар Совети Раиси Булганин Сизга Дамашқ шаҳри бикокор ишчиларининг касаба союзлари миннатдорлик билан салом топширадилар ва Сизнинг олижаноб позициянгиз учун ҳамда Миср нинг империалистларга ва уларнинг қўғирчоғи Исроилга қарши олиб бораётган курашида унинг ғалаба қилишига Сизнинг ишонганлигингиз ва дўстимиз ҳамда улуғ қўшнимиз Совет Иттифоқининг ишонганлиги учун миннатдорлик изҳор этадилар. Биз, ўз миннатдорчилигимизни изҳор этиш билан бирга айтамизки, биз ўзимизнинг араб юртимизни тўла жасорат билан ва сўнгги томчи қонимизга қадар ҳимоя қиламиз. Сизнинг бутун дунё халқлари билан бирга эканлигингизни биламиз, бу эса бизнинг миллий курашимизда кучли таянчдир.

**Касаба союзларининг секретари Ҳасан САСИЛА.**

Дамашқ, 1956 йил 11 ноябрь».

## Еттинчи метеорит конференцияси

14 ноябрда Олимлар уйида СССР Фанлар академияси Метеорит комитети томонидан чақирилган еттинчи метеорит конференцияси очилди. Конференцияда Москва, Ленинград, Киев, Минск, Свердловск, Ашхобод, Таллин ва бошқа шаҳарларнинг олимлари билан бир қаторда Германия Демократик Республикаси, Болгария ва Польша илмий ходимлари қатнашмоқда.

Конференция қатнашчилари учун академик В. Г. Фесенковнинг обзорли доклади ўқиб эшиттирилди. Ўнда 1955-1956 йиллар ичида метеоритика соҳасида олиб борилган тадқиқотларнинг натижалари келтирилади. Докладда метеоритлар коллекциясининг яна бойитилганлиги ҳақида гапирилади. Масалан, ўтган йилнинг июль ойида Белоруссияда оғирлиги 30 килограммдан ортиқ бўлган темир метеорит топилди, сентябрь ойида эса Киев областидаги Звонково қишлоғида иккита тош метеорит топилган.

Физика-математика фанлари кандидати А. Явнель метеорит моддалари составининг қонуниятлари ва метеоритларнинг пайдо бўлиш шароитлари тўғрисида доклад қилди. У қуйидагиларни билдирди. Метеоритларнинг состави тўғрисидаги экспериментал маълумотларни умумлаштириш натижасида шундай хулосага келиш мумкинки, ҳозирги вақтда маълум бўлган ҳамма метеоритлар илгари тахмин қилинганича, битта планетадан эмас, балки бир қанча космик жинслардан пайдо бўлган.

Биринчи мажлисда академик В. Г. Фесенковнинг қуёш системаси космогониясида метеоритларнинг роли тўғрисидаги доклади ҳам ўқиб берилди.

(ТАСС).

# СССР Министрлар Совети Раиси Н. А. Булганиннинг Франция Министрлар Совети Раиси Ги Моллега мактуби

(БОШИ УЧИНЧИ БЕТДА)

Яна шу фактдан ҳам кўз юмиб бўлмайдики, уруш ҳаракатлари натижасида Мисрга катта моддий зарар етказилди. Шу сабабли, агар Миср Франция, Англия ва Исроилдан Миср шаҳарлари ва аҳоли яшайдиган жойлари вайрон қилинганлиги, Сувайш каналида кемалар қатнови тўхтаб қолганлиги ва канал иншоотлари шикастланганлиги учун тегишли компенсация олса, адолатли иш қилинган бўлади. Биз Мисрнинг бу ҳақдаги даъволарини кўриб чиқиб, шу даъволарни тезроқ қондирмок учун Мисрнинг иштироки билан халқаро комиссия тузиш керак эди деб ҳисоблаймиз.

Хавфсизлик Кенгашини министрлар даражасида чақириш тўғрисида сиз билдирган истакка келганда Совет Ҳукумати бунга қарши эътироз билдирмайди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг халқаро қуролли кучларини тузиш тўғрисида Сиз айтиб ўтган масала муносабати билан мен Сизга шуни айтишни истар эдимки, Совет ҳукумати Франция, Англия ва Исроил қуролли кучлари Миср территориясидан олиб чиқиб кетилган тақдирда бу хилдаги халқаро қуролли кучларга зарурият қолмайди, деб ҳали ҳам ҳисоблайди. Бироқ Миср ҳукумати принцип эътибори билан бунга розилик берганлигини ҳисобга олиб, Совет ҳукумати Бирлашган Миллатлар Ташкилоти қуролли кучлари яраш тўғрисидаги битимда Исроил билан Миср ўртасида белгиланган демаркация линиясининг ҳар иккала томонига жойлаштирилиши мумкинлигини назарда тутган ҳолда бу қуролли кучларнинг киритилишига қарши эътироз билдирмайди. Халқаро қуролли кучлар Сувайш канали зонасида жойлаштирилмаслиги лозим, чунки шунингдек Миср ҳукуматининг ўзи бу районда зарур тартибни таъминлаётганлигини ҳисобга олганда, бу нарса 1888 йилги Конвенцияга зид бўлиб тушар эди. Ўз-ўзидан равшандирки, халқаро қуролли кучларни Мисрда жойлаштириш масаласи, шунингдек уларнинг Миср территориясида қачонгача туриши масаласи фақат Миср Ҳукуматининг розилиги билангина ҳал қилинмоғи лозим. Шу нарса ҳам очиқ кўриниб турибдики, Миср давлатига қарши қилинган агрессияни қўллаб-қувватлаган давлатларнинг ҳарбий қисмлари шу халқаро қуролли кучлар составига киритилиши мумкин эмас.

Сиз ўз хатингизда Венгриядаги аҳвол масаласини тилга олгансиз. Бу масалада Венгрия Революцион Ишчи-Деҳқон Ҳукуматининг баёнотлари Сизга маълум бўлса керак. Шу баёнотлардан кўриниб турибдики, Венгрия ичидаги реакцион кучлар Венгриядаги аҳолининг баъзи табақаларида бўлган ҳаққоний норозиликдан Венгриянинг халқ-демократик тузумини ва Венгрия меҳнаткашларининг социалистик ғалабаларини тугатишга ҳамда хортичи-фашист режимини ўрнатишга қаратилган ва халққа қарши бўлган ўз мақсадлари йўлида реакциянинг ташқи кучлари ёрдами билан фойдаланишга уринганлар. Бироқ, Венгрия ишчилар синфи, меҳнаткаш деҳқонлари, венгер ватанпарварлари Венгриядаги социализм ва демократия тарафдорларига қарши оммавий қонли террор бошлаган фитначиларнинг қуролли шайкаларини тор-мор келтирмоқ учун қатъий чоралар кўрдилар.

Табиийдирки, социалистик Совет Иттифоқи Венгрия Революцион Ишчи-Деҳқон Ҳукуматининг халқ демократик тузуми ғалабаларини ҳимоя қилмоқ учун зарур ёрдам беришни сўраб қилган чақириғига қулоқ солди.

Биз Венгриянинг ички ишларига аралашиш ёки унинг бизнинг мамлакатимиз билан бўлган ўзаро муносабатларига аралашиш йўлидаги ҳар қандай уринишни бутунлай асоссиз деб ҳисоблаймиз ва биз бундай уринишларни қатъиян дафъ қиламиз. Венгрияда буржуа-помещиклар тузумини тиклашга умидвор бўлган Венгрия реакциясини ва халқаро реакцияни ҳар қандай шаклда қўллаб-қувватлашнинг социализм ва демократияга ҳеч бир алоқаси йўқлигига биз аминмиз. Сиз ўзингиз ҳам Москвада бизга социализм ва демократия идеаллари билан руҳланаётирман деб айтган эдингиз.

Сиз Раис жанобларининг социализм ва демократиянинг ошкора душманларини хортичи-фашист фитначиларни ҳимоя қилишга уринаётганлигингиз ва айни вақтда ўзининг миллий мустақиллиги ва озодлиги учун адолатли кураш олиб бораётган Жазоирнинг ҳимоясиз аҳолисидан француз мустамлакачи қўшинлари қонли ўч олаётганлигини рағбатлантираётганлигингиз ва ҳатто ўз номингиз билан ниқоблаётганлигингизни тушуниш қийиндир.

Самимий ҳурмат билан

Н. БУЛГАНИН.

Франция Министрлар Советининг Раиси Ги Молле жанобларига

Париж.

## *СССР Министрлар Совети Раиси Н. А. Булганин билан Исроил Бош Министри Бен Гурионнинг бир-бирларига юборган мактублари*

8 ноябрда Исроил Ташқи Ишлар Министрлигининг Бош директори Исроил Бош Министри Бен Гурионнинг СССР Министрлар Совети Раиси Н. А. Булганин номига ёзган Мактубини СССРнинг Тель-Авивдаги муваққат ишлар вакилига топширди.

15 ноябрда СССР Ташқи Ишлар Министрининг Биринчи Ўринбосари А. А. Громико СССР Министрлар Совети Раиси Н. А. Булганиннинг Исроил Бош Министри Бен Гурионга ёзган жавоб мактубини Исроил Давлатининг Москвадаги Муваққат ишлар вакили А. Шлушга топширди.

Мактубларнинг текстлари қуйида эълон қилинади.

## Исроил Бош Министри Бен Гурионнинг СССР Министрлар Совети Раиси Н. А. Булганинга мактуби

1956 йил 8 ноябрь.

Министрлар Совети Раиси жанобларига, мен Сизнинг 1956 йил 5 ноябрдаги мактубингизни олдим. Мен уни диққат билан ўқиб чиқдим ва афсуски, бу мактубдаги баъзи бир фикрлар Сиз олган ноаниқ ва тўлиқ бўлмаган информацияларга асосланганлигини қайд қилиб ўтишим лозим.

Бундан икки йилдан кўпроқ бурун Миср ҳокими «Фидоин» деган ном остида махсус куч ташкил қилди. Бу кучнинг мақсади мамлакатимизнинг чегаралари орқали махфий равишда ўтиб, далаларда ишлаётган, йўлларда саёҳат қилиб юрган ва ўз уйларида турган гражданларни ўлдиришдир. Дастлаб бу группалар фақат Миср оккупация қилган районлардан, масалан, Ғазо районидан келиб ҳаракат қилар эдилар. Кейин у бундай қотилар группаларини Иорданияда, Ливанда ва Сурияда ташкил қилди, натижада улар чегара бўйларда деҳқонларимизнинг жонига ҳар кун суи қасд қилмоқдалар. Сувайш кризиси вақтида бу группаларнинг активлиги тўхтаб қолган эди. Бироқ бундан уч ҳафта муқаддам уларнинг активлиги кучайиб кетди.

Синайдаги Миср — 3-дивизиясининг қўмондони генерал-майор Аҳмад Салимнинг 1956 йил 15 февралдаги буйруғида (бу мактубга илова қилинган шу буйруқнинг фото копиясига кўра) жумладан бундай деб ёзилган,— «Ҳар бир командир бизнинг олий мақсадимизни бажариш ниятида, яъни Исроилни емириб ташлаш, уни энг шиддатли ва қаттиқ жангларда қисқа фурсатда йўқ қилиш учун ўзини ва ўз қарамоғидаги кишиларни Исроил билан бўладиган муқаррар урушга тайёрламоғи лозим».

Миср ҳокими Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Уставини бузган ҳолда Исроилга қарши иқтисодий бойкот ташкил қилди. У Сувайш каналида ва Эйлат бўғозида бизнинг кемаларимизнинг бемалол ўтишини тўхтатиб қўйди ва Исроил кемаларининг Сувайш каналидан бемалол ўтказилиши тўғрисида Хавфсизлик Кенгаши чиқарган қарорни беш йилдан бери бузиб келди.

Хавфсизлик Кенгаши шу йил 13 октябрда Сувайш каналида кемаларнинг бемалол қатновини ошкора ёки махфий равишда ҳар қандай камситишни яна тақиқлаганидан кейин Миср ҳокими, Исроилга нисбатан камситиш давом эттирила беради деб эълон қилди

Бундан икки ҳафтача муқаддам Миср ҳокими Иордания ва Сурия билан Исроилга қарши ҳарбий пакт тузди.

Шу сабабли октябрь ойининг охирида биз қилган ҳаракат ўз-ўзимизни мудофаа қилиш заруриятидан келиб чиққан ҳаракат бўлди ва бу ҳаракат, Сизга айтганларидек бировларнинг буйруғи билан бўлган ҳаракат эмас эди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг мурожаатига жавобан, биз жангларни тўхтатдик ва ўтган бир неча кун давомида биз билан Миср ўртасида ҳеч қандай қуролли конфликт бўлгани йўқ.

Кеча мен Кнессетда Исроил ҳукумати номидан гапириб, дастлабки шартларни қўймасдан ва ҳеч қандай зўрлаш бўлмасдан мустаҳкам тинчликка эришмоқ учун Миср билан бевосита музокараларни дарров бошлашга тайёрмиз дедим.

Барча тинчликсевар давлатлар, айниқса Миср билан дўстона муносабатларда бўлиб турган давлатлар ҳеч бир кечиктирмай судҳ музокаралари бошлаб юбормоқ учун Мисрга бўлган ўзларининг бутун таъсирларидан фойдаланадилар, деб умид қиламиз.

Сизнинг мактубингизда Исроилнинг яшашига ва омонлигига нисбатан қилинган дўқлар тўғрисида шировардида, ўзимнинг таажжубланганлигимни ва афсусланганлигимни изҳор қилишга мажбурман. Бизнинг ташқи сиёсатимиз ўзимизнинг ҳаётий эҳтиёжларимиз ва тинчликка интилишимиз талаб қилаётган сиёсатдир. Бизнинг ташқи сиёсатимиз ҳеч қандай ташқи факторлар билан ҳал қилинаётгани йўқ ва ҳал қилинмайди. Биз суверен давлат сифатида ўз йўлимизни ўзимиз танлаб оламиз, шунинг учун ҳам жаҳоннинг бошқа тинчликсевар халқлари билан бирликда бизнинг районимизда ва бутун дунёда ғинч муносабатлар ва адолат учун курашамиз.

Давид Бен Гурион.

## СССР Министрлар Совети Раиси Н. А. Булганиннинг Исроил Бош Министри Бен Гурионга мактуби

Москва, Кремль. 1956 йил 15 ноябрь.

Бош Министр жанобларига.

Сизнинг 8 ноябрдаги хатингизни олдим. Бундан ташқари Исроил ҳукумати раҳбарларининг кейинги кунларда қилган ва ҳозирги вақтда Яқин ҳамда Ўрта Шарқ районида вужудга келган аҳвол муносабати билан Исроилнинг позицияси тўғрисида фикр юритишга имкон берадиган расмий баёнотларнинг текстлари ҳам бизда бор.

Бу райондаги аҳвол масаласига доир Совет Ҳукуматининг позицияси 5 ноябрда Сизга юборилган менинг хатимда баён қилиб ўтилган эди.

Сизнинг ўзингизнинг жавоб хатингизда Исроилнинг Мисрга қарши қилган ҳаракатларини ҳимоя қилишга уринаётганлигингиз сабабли мен Сизнинг важларингизга қисқача жавоб бериб ўтишга мажбурман.

Сиз ўз хатингизда, Исроил қуролли кучларининг Миср территориясига бостириб кириши ўз-ўзини мудофаа қилиш заруратидан келиб чиққан иш бўлди деб даъво қилгансиз, шу билан бирга Миср территориясидан Исроил учун қандайдир хавф-хатар бор эди деб важ келтиргансиз. Ҳақиқатда эса, Хавфсизлик Кенгашининг бир қанча қарорларида айтиб ўтилганидек, қўшни араб мамлакатларининг территорияларига қилинган кўпгина қуролли ҳужумлар учун араб давлатлари эмас, балки Исроилнинг ўзи айбли бўлган эди. Хавфсизлик Кенгаши Исроил ҳукуматининг яраш тўғрисидаги битимларда ўз зиммасига олган мажбуриятларни бажармаётганлиги тўғрисида ўзининг чуқур ташвишга тушганлигини билдирган эди ва Исроил ҳукуматига нисбатан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Уставига кўра, тегишли жазо чоралари кўрилади, деб Исроил ҳукуматини ўз мажбуриятларини бундан буён бажаришга чақирган эди.

Зотан, Миср томонидан Исроилга хавф-хатар таҳдид қилганлиги учун Исроил Мисрга қуролли ҳужум қилди деб ўзингиз айтган гапнинг ўзи ҳам Исроил ҳукумати Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Уставининг Бирлашган Миллатлар ташкилоти аъзолари бўлган давлатларга куч қўлланишни тақиқлаб қўйган ва ўз ўрталаридаги низоларни фақат тинч воситалар билан бартараф қилишни тавсия қилган талаблари билан ҳисоблашишни истамаётганлигини кўрсатади.

Совет Иттифоқи шу фактдан ҳам кўз юмиб ўтолмайдики, Исроил ҳукумати Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг жангларни тўхатиш ва Мисрга бостириб кирган қўшинларни олиб чиқиб кетиш тўғрисидаги чақириғига қулоқ солиш ўёқда турсин, ҳатто Мисрга нисбатан ўзининг аннексиячилик ниятларини, Ғазо районини, Синай ярим оролини, Ақаба кўрфазидаги Тирана ва Санафир оролларини Исроилга қўшиб олишдан иборат ўзининг босқинчилик планлари борлигини ошкора эълон қилди. Сиз Исроил парламентида 7 ноябрда сўзлаган нутқингизда ҳам Исроилнинг араб давлатлари билан яраш тўғрисида тузган битимлари «бекорчи битимлар» деб айтган эдингиз.

Шу нарса диққатга сазовордирки, Исроил ҳукумати Миср территориясидан ўз қўшинларини олиб чиқиб кетиш тўғрисида чиқарилган қарорни ҳатто қабул қилишга мажбур бўлганидан кейин ҳам бу талабларнинг бажарилиши учун халқаро кучларнинг «Сувайш канали зонасига» кириши тўғрисида «Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан қонқарли битимлар» тузишни шарт қилиб қўйишга уринмоқда. Ваҳоланки, Сувайш канали суверен Миср давлатининг ажралмас қисми эканлиги ҳаммага маълумдир.

Мана шу уринишларнинг ҳаммаси Сизнинг хатингизда, Исроил ҳукуматининг сиёсати «тинчликка интилишдан» ва «Исроилнинг ҳаётий эҳтиёжларидан» келиб чиқаётган сиёсатдир деб қилинган даъволарга бутунлай зид бўлиб тушмоқда.

Дарҳақиқат, кейинги воқиалар шуни кўрсатдики, бундай сиёсат шу районда мустамлакачилик гартибларини тиклашга интилаётган ташқи кучларнинг манфаатларигагина мос бўлиб тушмоқда, лекин биз шу нарсага чуқур аминмизки, бу сиёсат Яқин ва Ўрта Шарқдаги ҳеч бир истеносиз ҳамма халқларнинг манфаатларига ёт сиёсатдир.

Совет Ҳукумати, араб давлатларига қарши агрессив уруш ҳаракатлари бошланган тақдирда Исроил учун хатарли оқибатлар келиб чиқиши тўғрисида Исроил ҳукуматини огоҳлантирган эди. Сиз бунга қулоқ солмаганлигингизга афсусланамиз. Исроил томонидан Мисрга қарши бошланган агрессия натижасида Миср шаҳарлари ва аҳоли яшайдиган жойлари вайрон қилинди, мингминглаб бегуноҳ кишилар ўлдирилди ва майиб қилинди, Мисрнинг алоқа йўлларига, савдосига ва экономикасига зарар етказилди. Лекин Исроил нимага эришди? Агрессия Исроилга ҳам ҳеч бир яхшилик келтирмаганлигини фақат кўрларгина кўрмаслиги мумкин.

Мисрга қарши қилинган агрессия, ҳеч шубҳасиз, Исроилнинг Халқаро позицияларига путур етказди, араб халқларида ва Шарқнинг бошқа халқларида Исроилга нисбатан чуқур нафрат туғдирди, Исроилнинг кўп давлатлар билан муносабатларини ёмонлаштирди, мамлакатда янги иқтисодий қийинчиликларни ва бошқа қийинчиликларни келтириб чиқарди.

Совет Ҳукумати Исроил ҳукуматининг жангларни тўхататганлигини, сўнгра эса Миср территориясидан Исроил қўшинлари яқинда олиб чиқиб кетилади деб айтган гапларини маълумотга олади. Ўз-ўзидан маълумки, Исроилнинг қуролли кучлари Миср территориясидан дарҳол олиб чиқиб кетилиши лозим.

Шу билан бирликда Яқин Шарқ районида эҳволни стабиллаштириш ва Мисрга қарши қилинган агрессиянинг оқибатларини тугатиш мақсадида Совет Ҳукумати Исроилнинг қўшни давлатларга қарши янги ифволар қилишига имконият бермайдиган ҳамда Яқин Шарқда мустаҳкам гинчлик ва осойишталикни таъминлайдиган чора-тадбирлар кўрилишини зарур деб ҳисоблайди.

Адолат яна шуни талаб қиладики, сабабсиз агрессиянинг қурбони бўлган Миср шаҳарларининг ва аҳоли яшайдиган жойларнинг вайрон қилинганлиги сабабли, Сувайш канали ишламай қўйганлиги ва унинг иншоотлари бузилганлиги сабабли етказилган заларни Исроил, шунингдек Англия ва Франция Мисрга тўлаб беришлари лозим. Шу билан бирга Исроилнинг Миср территориясига бостириб кирган қуролли кучлари Мисрдан олиб чиқиб кетган ҳамма мол-мулкни Исроил Мисрга қайтиб беришга мажбурдир.

Миср ҳукумати Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Халқаро қуролли кучлари тузилишига розилик берди. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг қарорида айтилганидек, бу халқаро қуролли кучлар Исроил билан Миср ўртасида яраш битимида белгиланган демаркация линиясининг ҳар иккала томонига жойлаштирилмоғи лозим.

Бош Министр жанобларига мен, Мисрга қарши қилинган агрессияда Исроилнинг қатнашганлиги муносабати билан Исроил ҳукумати кейинги воқиалардан Исроил учун тегишли бўлган хулосаларни чиқаради олур, деб умид билдирмоқчиман.

Н. БУЛГАНИН.

Исроил Давлатининг Бош Министри Бен Гурион жаноб олийларига.

Тель АВИВ.

# БМТ Бош Ассамблеяси XI сессияси

НЬЮ-ЙОРК, 15 ноябрь. (ТАСС). БМТ Бош Ассамблеясининг бугун эрталабки ялпи мажлиси Бош комитетнинг тавсияларини тасдиқлашга ва бошқа ташкилий масалаларга бағишланди.

Бош Ассамблея раисининг ўринбосарлари ҳозиргача бўлган 7 киши ўрнига саккиз киши бўлиши тўғрисидаги тавсиялар тасдиқланганидан кейин, саккизинчи ўринбосар сайланди. Овоз беришнинг биринчи даврасида овозлар қуйидагича тақсимланди: Италия 36 овоз, Либерия 36 овоз, Испания 2 овоз, Уругвай 1 овоз олди. Иккинчи даврада Италия 40 овоз олди ва сайланди. Либерия учун 37 овоз берилди.

Бош комитетнинг Бош Ассамблея XI сессияси 23 декабрдан 2 январгача танаффус қилиш шарти билан ўз ишини 15 февралгача давом эттириши тўғрисидаги тавсияси ҳам тасдиқланди.

Шундан кейин Ассамблея кун тартибини тасдиқлашга ўтди.

НЬЮ-ЙОРК, 15 ноябрь. (ТАСС). Бош Ассамблеянинг бугун Нью-Йорк вақти билан соат 15 дан 20 минут ўтганида (Москва вақти билан соат 23 дан 20 минут ўтганида) очилган кундузги мажлисида кун тартибини тасдиқлаш давом этди. Жанубий Африка-Иттифоқи делегатининг ўз мамлакатидаги ирқий камситиш ҳақидаги масаласинг ва ҳиндларнинг тенгҳуқуқга эга эмасликлари ҳақидаги масаланинг кун тартибига киритилишига қарши билдирган эътирозлари эрталабки мажлисинг бошида узоқ дискуссияга сабаб бўлди. Ҳиндистон ва Сурия делегатлари ўз нутқларида БМТ бу масалаларни муҳокама қилишга ҳақли бўлганлигини ва бу масалаларнинг муҳокама қилиниши ниҳоятда зарур эканлигини кўрсатдилар.

Жанубий Африка Иттифоқида яшовчи ҳиндларнинг аҳволи ҳақидаги масала 2 овозга (Жанубий Африка Иттифоқи ва Италия овозига) қарши 63 овоз билан Ассамблея кун тартибига киритилди, овозга қўйиш вақтида 13 делегация бетараф қолди. Бетараф қолганлар орасида мустамлакачи давлатлар: Англия, Франция, Португалия, Бельгия, Испания, шунингдек Янги Зеландия, Туркия ва чанкайшичи бор.

Жанубий Африка Иттифоқида ирқий камситиш ҳақидаги масаланинг кун тартибига киритилиши ҳам худди шундай жуда кўпчилик овоз билан тасдиқланди.

Англия ва Туркия делегатларининг эътироз билдирганликларига қарамай, Кипр масаласи кун тартибига овозга қўйилмасданоқ киритилди.

Ғарбий Ириан ҳақидаги масала 18 овозга қарши 47 овоз билан кун тартибига киритилди, 14 делегат бетараф қолди, Голландия ва Австралия делегатлари бу масаланинг кун тартибига киритилишига қарши чиқдилар.

Сўнгра Ассамблея Бош комитетга Қўшма Штатлар ва бошқа ғарбий давлатлар томонидан қабул қилдирилган тавсияни, яъни Бош Ассамблея Хитойнинг БМТга вакиллар юбориши ҳақидаги масалани муҳокама қилмасин деган тавсияни кўриб ўтди. Ҳиндистон вакили Лал бу масаланинг муҳокама қилинишини ёқлаб қисқача сўзлаганидан кейин, СССР делегациясининг бошлиғи Д. Т. Шепилов сўз олди.

## БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ ХАЛҚАРО ҚУЧЛАРИНИНГ ҚИСМЛАРИ МИСРГА КЕЛДИ

ҚОҲИРА, 15 ноябрь. (ТАСС). Бугун эрталаб Швейцария авиация компаниясининг самолётлари Бирлашган Миллатлар Ташкилоти халқаро кучларининг қисмларини Миснинг Исмоилия шаҳри районидаги Абу Сувайр аэродромига олиб келди. Келганлар орасида 45 даниялик солдат ва 50 норвеж солдати бор.

Аэродромда Миср ҳарбий вакили, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг кузатувчилари, Миср ва чет эл журналистлари ҳозир бўлдилар.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти халқаро кучларининг Мисрга келган қисмлари вақтинча Абу Сувайрда жойлаштирилди, Миср ҳарбий вакилининг айтишича, улар бу ердан Порт-Саидга, сўнгра эса Рафа-Ғазо районига боришлари керак.

## Ғарб давлатлари беш давлат кенгашини чақириш тўғрисидаги таклифни рад қилмоқдалар

ЛОНДОН, 15 ноябрь. (ТАСС). Англия Швейцария ҳукуматининг беш давлат (СССР, АҚШ, Англия, Франция ва Ҳиндистон) кенгашини чақириш тўғрисидаги таклифини рад қилди. Бош министр канцеляриясининг президентига мактуб юборди, деб хабар қилди. Иден, жумладан, бундай учрашув учун пайт «ҳали келгани йўқ» деб айтган ва, менинг фикримча, «бундай учрашув самарали бўлиб чиқади деб кутиб бўлмайди», деган.

ПАРИЖ, 15 ноябрь. (ТАСС). Франс Пресс агентлигининг хабарида айтилишича, яқинда Франция ҳукумати Швейцария конфедерацияси президентининг беш давлат кенгашини чақириш тўғрисидаги мактубига жавоб юборган.

Агентликнинг хабаридан маълум бўлишича, Франция ҳукумати бу масалада «бошқа чет эл давлатлари билан, айниқса Америка ва Англия ҳукуматлари билан маслаҳатлашиб олиш зарур деган баҳона билан Швейцариянинг таклифини рад қилган.

## ВЕНГРИЯДАГИ АҲВОЛГА ДОИР

БУДАПЕШТ, 15 ноябрь. (ТАСС). Кейинги кунларда Венгриянинг кўпгина саноат корхоналарида, айниқса вилоятларда, янгидан иш бошланди. Бироқ контрреволюцион унсурлар мамлакатда турмушнинг нормаллаштирилишига халақит бериш учун жон-жаҳдлари билан ҳаракат қилмоқдалар. Улар Будапештда Революцион ишчи-деҳқон ҳукуматининг обрўсини тушириш мақсадида игволар ва ҳитобномалар тарқатмоқдалар, провокацион овозалар ёймоқдалар, фашистлар исеиннинг оқибатларини тугатишга ҳар қандай йўллар билан тўсқинлик қилмоқдалар. Террорчилар корхоналарга ишга чиқувчи меҳнаткашларни улардан ўч олиш билан қўрқитмоқдалар, уларни ишни тўхатишга мажбур этмоқдалар.

Кеча ва бугун Будапештда нормал ишлаб чиқариш фаолиятини таъминлашга доир масалалар юзасидан ҳукумат билан ишчи кенгашларининг вакиллари ўртасида музокаралар олиб борилди.

Қишлоқ районларида ишлаб чиқариш кооперативлари ва якка деҳқон хўжаликлари экишни ва бошқа дала ишларини давом эттирмоқдалар.

## КАМБОДЖА БОШ МИНИСТРИНИНГ ПАРЛАМЕНТГА МУРОЖААТИ

ХАНОЙ, 14 ноябрь. (ТАСС). Вьетнам ахборот агентлигининг хабар қилишича, Камбоджа бош министри Сан Юн парламентга қилган ўз мурожаатида Камбоджа бетарафлик сиёсатига қатъий амал қилади, деб айтган. У, кўрсатиб ўтдики, бу сиёсат бутун Камбоджа халқи томонидан қўллаб-қувватланмоқда ва Камбоджа ўзининг БМТ даги делегациясининг воситаси билан умумий тинчликни мустаҳкамлаш ишига ўз ҳиссасини қўшади.

Сан Юн мамлакатнинг ички проблемалари тўғрисида гапириб, шу нарсани таъкидладики, унинг кабинети халқнинг иродасига мувофиқ қонунларга ўзгартиш киритади ва давлат бюджетининг балансини таъминлаш йўлларини қидиради. Социал масалаларга ҳам тегишли эътибор берилади. Бош министр айтдики, мамлакат икки йиллик иқтисодий планни амалга оширишга киришмоқда.

## УЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, УЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ ВА УЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДАН

**Узбекистон КП Марказий Комитети, Узбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Узбекистон ССР Министрлар Совети ўзбек театр санъатининг отоқли арбоби, Узбекистон ССР халқ артисткаси Мария Александровна КУЗНЕЦОВАнинг бевақт вафот этганини чуқур қайғу билан билдирадилар.**

* * *

**Узбекистон КП Тошкент шаҳар комитети ва Тошкент шаҳар ижроия комитети театр санъатининг талантли мастери, Узбекистон ССР халқ артисткаси Мария Александровна КУЗНЕЦОВАнинг бевақт вафот этганини чуқур қайғу билан билдирадилар.**

## Мария Александровна Кузнецова

Узбекистон ССР халқ артисткаси, ўзбек театр санъатининг кекса арбоби **Мария Александровна Кузнецова** 16 ноябрда 58 ёшида вафот этди.

Ишчи-механиктинг қизи Мария Александровна ўз меҳнат фаолиятини 17 ёшлигидан бошлади. У Наманган депутатлар Советида машинистка бўлиб ишлаб юрган вақтидаёқ, ўзбек хаваскорлик театр тўгарагида актив иштирок этди. Ўзбек тилини болалигидан яхши билган Мария Александровна тез фурсатда ўзининг ажойиб талантини ўзбек саҳнасида намойиш қилди.

М. А. Кузнецова 1919-1920 йилларда Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий труппаси составида Ўрта Осиёдаги гражданлар уруши фронтларида гастролда юрди. У шундан кейинги йилларда М. Мироқилов бошчилигидаги Қўқон ўзбек труппасида ишлади.

М. А. Кузнецова 1929 йилдан умрининг сўнгги кунларигача Ҳамза номидаги Ленин орденли Ўзбек давлат академик драма театрида ишлади.

М. А. Кузнецова ўзининг бутун кучи, билими ва тажрибасини ўзбек театр санъатини ривожлантириш ва такомиллаштиришга бағишлади.

Коммунистик партия ва совет ҳукумати М. А. Кузнецованинг хизматларини юксак тақдирлади. Уни «Меҳнат Қизил Байроқ», «Ҳурмат белгиси» орденлари ва медаллар билан мукофотлади. М. А. Кузнецовага республикада хизмат кўрсатган артистка ва Ўзбекистон ССР халқ артисткаси деган фахрли унвонлар берилди.

Мария Александровна Кузнецованинг ёркин хотираси уни биладиган ҳамма кишиларнинг қалбида абадий сақланади.

БИР ГРУППА ЎРТОҚЛАРИ.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

### ТЕАТРЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 17/XI да **Холисхон**, 18/XI да кундуз **Аломат ҳодиса**, кечқурун **Отелло.**

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 17/XI да **Шўрали**, 18/XI да кундуз **Шўрали**, кечқурун **Фра Дьяволо.**

ЁШ ТАМОШАБИНЛАР ТЕАТРИ БИНОСИДА — 18/XI кеч соат 8 да **Алишер Навоий номли театр артистлари концерти.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 17/XI да **Фарҳод ва Ширин**, 18/XI да кундуз ва кечқурун **Азиз ва Санам.**

ЁШ ТАМОШАБИНЛАР ТЕАТРИДА — 17/XI кундуз соат 3 да **Ҳаёт саҳифалари.**

ЭСТРАДА ТЕАТРИДА—19/XI кеч соат 9 да **Концерт.** Ўзбекистон халқ ҳофизи **Маъмуржон Узоқов**, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист **Муҳаммаджон Мирзаев**, солист **Зайнаб Полвонова**, «Баҳор» хотин-қизлар ансамбли ва бошқалар қатнашади

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — РСФСРда хизмат кўрсатган артист **Юрий Дуров гастроллари.** Тамоша кеч соат 8 да бошланади. Якшанба куни 3 марта тамоша кўрсатилади (кундуз соат 1, 4 ва кеч 8 да).

### КИНОТЕАТРЛАРДА:

«РОДИНА» — кундуз **Водида олишув**, кечқурун **«Одил» суд.**

«ВАТАН» — **Водида олишув.**

СОБИР РАҲИМОВ номли — кундуз **Дайди** (1 ва 2-серия), кечқурун **Софъя Ковалевская.**

«ОКТЯБРЬ» — **Дайди** (1 ва 2-серия).

НАВОИЙ номли — кундуз соат 2 гача **Насриддиннинг саргузаштлари**, кундуз соат 4 дан кеч 7 гача **«Одил» суд**, кеч соат 9 да **Жаноб 420.**

«ИСКРА» — кундуз **«Одил» суд**, кеч соат 5 дан **Жузеппе Верди.**

«ЁШ ГВАРДИЯ»—кундуз соат 4 гача **Пароп**, кечқурун **Софья Ковалевская.**

«КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ» — эрталаб соат 10 да **Шоирнинг ёшлиги**, кундуз соат 12 дан **Шаддод қиз**, кеч соат 8 ва 10 да **Софья Ковалевская.**

ПУШКИН номли — **Шаддод қиз.**

«ЎЗБЕКИСТОН» — кундуз ва кечқурун **«Одил» суд.**

Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги ва Ўзбекистон ССР Маданият ходимлари касаба союзи республика комитети Ўзбекистон ССР халқ артисти

Мария Александровна КУЗНЕЦОВАНИНГ

вақтсиз вафот этганини чуқур қайғу билан билдириб, Ҳамза номидаги Ленин орденли Ўзбек давлат академик драма театри коллективига таъзия изҳор қиладилар.

Ҳамза номидаги Ленин орденли Ўзбек давлат академик драма театрининг дирекцияси, партия ва касаба союз ташкилотлари ўзбек театрининг энг кекса актрисаси, Ўзбекистон ССР халқ артисти

Мария Александровна КУЗНЕЦОВАНИНГ

16 ноябрда вафот этганини чуқур қайғу билан билдирадилар.

Марҳумнинг жасади солинган тобут Ҳамза номли театрда ўрнатилган. Марҳума билан видоълашувчилар 17 ноябрь кундуз соат 12 дан бошлаб қўйилади. Марҳуманинг жасади 17 ноябрь кундуз соат 3 да олиб чиқилади.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ. Тошкент. «Правда Востока» кўчаси № 34. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 36334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 136. Пропаганда бўлими — 136 Совет қурилиши бўлими — 132, Маданият бўлими — 132, Адабиёт ва сан'ат бўлими — 39040, Қишлоқ хўжалик бўлими — 135. Саноат ва транспорт бўлими — 132 Хатлар бўлими — 34048. Маҳаллий ахборот бўлими 135. Секретариат — 34048. Эълонлар бўлими — 38142.

Р07793. «Қизил Ўзбекистон», «Правда» Востока» ва Ўзбекистоня сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр № 1563.